

ИИБ Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



Ўзбекистон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ НАШРИ

№№ 83—84 (2724—2725)
1994 йил, 28 октябрь

Тошкент шаҳрида
соғувда баҳоси
1 сўм.

2-БЕТ
ХИЗМАТИНГИЗГА
ШАЙМИЗ

**БУГУНГИ
СОНДА:**

5-БЕТ
ҲАММАСИ УЧУН
ЖАВОБГАР

**ИККИ ЖУМА
ОРАЛИФИДА**

3-БЕТ
МУҚАДДАС
БУРЧ

4-БЕТ
ҚОНУНЧИЛИКНИ
МУСТАҲКАМЛАШ—
МУШТАРАК БУРЧИМИЗ

7-БЕТ
ИМПЕРАТОР
ХОНИМИНИНГ
МАРЖОНИ

ҚАЛБАКИ РУБЛЛАР

Қўқон шаҳар ИИБ ходимлари тезкор тадбир пайтида Япон шаҳридан келган, 1963 йилда туғилган, ҳеч қаерда ишламайдиган Н. Қ.ни тўхтатиб, текшириб кўришганда, унинг ёнидан 84 донга 50 мингталик, жами 4 миллион 150 минг қалбаки Россия рубли топишди. Ҳозир ушбу факт бўйича тергов ишлари олиб бориляпти.

ЖИНОЙИ ИШ ҚЎЗГАТИЛДИ

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ИИБ ходимлари Археологическая кўчасида яшовчи, 1965 йилда туғилган Е. С.нинг хонадонидан 2 килограмму 650 грамм гиёҳванд модда топишди. Ушбу факт бўйича жиноий иш қўзғатилди.

ҚОТИЛ УШЛАНДИ

Чуст туманидаги Баймоқ жамоа хўжалигининг 4-бригадаси дала шийпонида ўзаро жанжал туфайли 28-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Ш. И. мазкур хўжалик пудратчиси, 1977 йилда туғилган Б. Т.ни пичоқлаб қўйди. Қотил ушланди. Айти пайтда ўқувчини қотилликка нима ундагани ўрганилмоқда.

МАНБА АНИҚЛАНМОҚДА

Марғилон шаҳридаги Мустақиллик ва Уста Олим кўчалари кесишган чорраҳада ДАН ходимлари томонидан Тошкент шаҳар, Садаф кўчасида яшовчи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси аъзоси, 1940 йилда туғилган Д. Ҳ.ушланди. У бошқараётган "М—2141" русумли, Ц 29—30 ТН рақамли автомашинаси йўл ҳаракати қондасини бузган эди. Автомашина олди ўриндиғи остидан "Макаров" тўппончасининг 15 донга ўқи ҳамда 100 грамм наша топилди.

Терговни ИИБ олиб бораётир.

ҚЎЛБОЛА "НАГАН"

Қўқон шаҳар ИИБ ходимлари Тюмень шаҳридан келган, айти пайтда "Комсомол 40 йиллиги" кўчасида яшаб турган, 1962 йилда туғилган Р. Э.нинг ёнидан 5 донга ўқи билан қўлбола "Наган" топиб олишди. Энди Р. Э. "Наган"ни қаердан олгани ва нима мақсадда уни олиб юрганини терговда айтиб беради.

**ТАФСИЛОТЛАР
АНИҚЛАНМОҚДА**

Сариосиё туманидаги Медиклар кўчасида истиқомат қиладиган, муқаддам судланган, Бекорчи, А. К.нинг хонадонидан АКМ автоматининг ўқдонига жойланган 21 жанговар ўқ, Беруний кўчасида яшовчи Б.га тегишли 3 та паспорт, 3 та диплом, ва 2 та гувоҳнома топиб олинди. К. ушланди.

ХАЛҚНИНГ БОЙЛИГИ УЧУН ЖАВОБГАРМИЗ

Эртага — 29 октябрда ички ишлар идоралари қошидаги қўриқлаш бўлиқмаларининг ходимлари ўз касб кунларини — қўриқлаш хизмати барпо этилганлигига 42 йил тўлганлигини байрам қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ўн иккинчи чақириқ Олий Кенгашининг XVI сессиясида сўзлаган нутқида мамлакатимизни сиёсий ва иқтисодий ривожлантириш, халқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва шу асосда халқимизнинг фаровонлигини ҳар томонлама яхшилашга доир энг муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Республика ҳукумати томонидан белгиланган вазифаларни ҳал этиш муайян даражада ички ишлар идоралари зиммасига ҳам юкланган, уларга бошқа вазифалар билан бир қаторда давлат, жамоат мулки ва фуқароларнинг шахсий мол-мулкни қўриқлашни таъминлаш топширилган. Бу ишда ички ишлар идоралари қошидаги қўриқлаш бўлиқмалари катта роль ўйнайди.

Айти шу сабабли хизмат фаолиятини доимий равишда такомиллаштириб бориш, хизмат самардорлигини оширишнинг янги йўл ва имкониятларини излаш Ўзбекистон Республикаси ИИБ қошидаги "Қўриқлаш" республика бирлашмаси ва унинг жойлардаги бўлиқмалари ишида асосий йўналиш ҳисобланади.

Кейинги йилларда, айниқса шаҳар кўчаларида шаҳар, туман ИИБ милиционерлари сийраклашиб қоладиган тунги пайтларда жиноятчиликка қарши

курашда қўриқлаш милициясининг сафдаги бўлиқмаларининг роли анча ошди.

Ягона дислокация шароитида ходимларимиз томонидан вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши нарядларни хизматни ўташга пухта тайерлаш, йўл-йўриқ беришларни сифатли ўтказиш орқали таъминланмоқда. Буларнинг ҳаммаси иш натижаларига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Содир этилаётган жиноятлар, одатда, ўз вақтида очилмоқда, жиноятчилар эса ушланмоқда.

Мисол келтирмоқчиман. Ҳеч қаерда ишламайдиган оғайнилар тер тўқмасдан мўмай пулга эга бўлишни хоҳлаб қолишди. Бунинг учун жиноят қилиш йўлини танлашди ва эрталаб соат тўртда Қорақамис-2/1 мавзесидаги қўриқланмайдиган "Озик-овқатлар" дўконининг витринасини синдириб, у ердан 33 шиша пахта мойи, 20 килограмм сариғ, 4 килограмм сузма, 53 қути "Риск" сигаретаси ва бошқа маҳсулотларни ўмаришди. Бироқ Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туман ИИБ қошидаги қўриқлаш бўлиқи ходимлари уларни дўконнинг ўзидаёқ қўлга олишди.

(Давоми 2-бетда).



Марказлаштирилган қўриқлаш пулти (МҚП). Бу ердаги барча нарсалар ҳамма учун, эҳтимол, ҳар лаҳзада қўнғирок ва ташвиш-сигналлари бўлиши нималигини яхши биладиган кишилар учун ҳам гайриоддий туюлса керак. Дарвоқе, дастлабки таассуротдагина ана шундай туюлади. МҚП ишини ташкил этиш билан яқиндан танишилганда, унинг ўзига ҳос "бошқарув штаби", қўриқланаётган объект билан қўриқлаш милицияси нарядлари ўртасидаги алоқа воситаси эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Пултида доим ишчан амалий кайфият ҳукмрон. Суратда Миробод туман ҳокимлиги ИИБ қошидаги қўриқлаш бўлиқ 3-МҚП бошлиғи, милиция катта лейтенанти Шахобиддин Сатторов ва бошқарув пулти оператори Надежда Кимни кўриб турибсиз.

Р. ШАҒАЕВ олган сурат.

ҚАСАМЁДГА ХИЁНАТ

Ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз? Кимдир бировнинг ҳақиғат, бошқа биров дўстига хиёнат қилади. Аммо биз ҳикоя қилмоқчи бўлган шахс эса қасамёдга хиёнат қилди.

Охунбобоев туманидаги 49-ХБЮ да ишлаб чиқариш устаси бўлиб ишлайдиган М.Т.нинг ўғлини йт тишлаб олди. Ота

ўғлига тиббий ёрдам кўрсатиш учун 1-Лангар касалхонасига олиб борди. Ўғлининг жароҳати хавфли — қутуриш касаллиғи юқиши мумкин. Қандай бўлмасин, тезроқ бу хавфнинг олдини олиш керак.

Касалхонанинг травмотолог ҳаками А. А. эса касалнинг оғир эканлигини,

отаси ўғлининг соғайиши учун ҳар нарсасига тайёр эканлигини сезиб, таъмагирликка ўтди. У 120 сўм бермагунча М.Т.нинг ўғлиги ёрдам кўрсатмаслигини айтди. "Майли, аввал ўғлимга ёрдам қилинг, кейин олиб келиб бераман. Ҳозир ёнимда шунча пул йўқ," деганда ҳам дўхтир унамади.

М.Т. бу бедодликка ортиқча чидай олмади, милицияга мурожаат қилди.

Ўз манфаатини ўйлаб, Гиппократ қасамига хиёнат қилган порахўр А. А.га тегишли "қисм"ни топиб бериш учун ички ишлар ходимлари иш олиб бораптилар.

Мухаммадрасул КИМАНБОВ,
Фарғона вилояти ИИБ бўлиқ бошлиғи,
милиция подполковниги.

(Давоми. Бетини 1-4-тда).

Навоий шаҳрида "Навоизот" ишлаб чиқариш бирлашмасининг кўриқлов милиционерлари томонидан ЗИЛ-130 автомашинада ҳайдовчидан ташқари кичик корхоналардан бирининг директор ўринбосари бор эди. Кўриқлаш ходимлари турли диаметрдаги 480 метр қувур, пайвандлаш аппарати ва уч куб метрдан ортиқ қурилиш материалларини олиб чиқиш ҳужжатлари қалбаки эканлигини тезда аниқлашди.

Сир эмас, баъзан ходимларимиз ўз вазифаларини бажариш учун ҳаётларини қурбон қилишга ҳам тайёр турадилар.

Дўстлик шаҳрида кўриқлаш бўлимининг милиционерлари, оддий милиционерлар Ш. Ҳақимов ва А. Бекбаулов ярим тунда катта сумка кўтарган, уларда шубҳа туғдирган номаълум кишини кўриб қолдилар. Милиционерлар унинг шахсини текшириш учун яқинроқ келдилар. Лекин номаълум киши сумкадан 16 калибрли кесма милтиқни олиб, уларга ўқ узди. Милиционерлар ўққа чап бериб, жиноятчини ушлашга муваффақ бўлдилар, унинг сумкасида ўғирланган буюмлардан ташқари жанговар граната ҳам топилди.

Шу йилнинг 9 ойи ичидагина кўриқлаш хизмати ходимлари томонидан 1200 дан ортиқ жиноятнинг олди олинди ва очилди, бунда жиноят қилишда гумон қилинган 1600 га яқин киши қўлга олинди ва ИИБларнинг навбатчи қисмларига олиб келинди. Патруль постлари ва йўналишларида турли маъмурий ҳуқуқбузишлар учун салкам 89 минг киши ушланди.

Иқтисодиёт объектларини кўриқлашнинг ишончилигини ошириш ва ўғирликларга қарши курашни кучайтириш кўриқлаш бўлимлари олдида турган муҳим

вазифалардан биридир. Республика меҳнаткашлари иқтисодий ислохотларни тезроқ амалга ошириш учун бор куч-ҳаракатини сарфлаётган ҳозирги шароитда халқ бойлигини талон-торож қилишларга тоқат қилиб бўлмайди.

Яна бир мисол келтирмоқчиман. Фарғона шаҳрида шаҳар ИИБ қошидаги кўриқлаш бўлими ходимлари томонидан 8 яшиқ хўжалик совуни (ҳар бир яшиқда 560 та совун бор) ўғирлаб чиқаётган ёғ-мой комбинатининг

Ўзбекистон давлат космик тадқиқотлар агентлиги "Ўзбеккосмос" билан ҳамкорликда енгиндан кўриқлаш сигнализация аппаратларини тайёрлаш бўйича битим имзоланди. "Ўзспецавтоматика" ишлаб

лицзионерларнинг хатти-ҳаракатларини амалда кўрсатиш билан қўшиб олиб борилади.

Республика "Кўриқлаш" бирлашмасининг раҳбарияти жойлардаги бўлимлар сафини ҳар томонлама баркамол, софдил кадрлар билан тўлдиришга алоҳида эътиборни қаратмоқда. Ходимларнинг аксарияти ўз хизматларини сергаклик ва ҳушёрлик билан адо этганлари ҳам бежиз эмас.

Республика ҳукумати, Ички ишлар вазирлиги томонидан бўлимларнинг шахсий таркиби олдида давлат мулки ва фуқароларнинг шахсий мулкни жиноий хуружлардан ишончли ҳимоя қилишни ташкил этиш, патруллик постлари ва йўналишлари бўйлаб намунали жамоат тартибини ўрнатиш бўйича масъулиятли вазифалар қўйилган. Шубҳасиз, ички ишлар идоралари қошидаги кўриқлаш хизматининг кўп минг кишилиқ жамоаси ўзининг бор куч-ҳаракати, билим ва тажрибасини шунга сарфлайди ва бу ишонччи муносиб равишда оқлайди.

Имкониятдан фойдаланиб, давлат мулки ва фуқароларнинг шахсий мулкни фидокорлик билан муҳофаза қилаётган кўриқлаш хизматининг барча ходимларини касб байрамлари билан чин қалбдан табриклайман.

Уларнинг ҳаммасига соғлиқ, бахт-саодат, оилавий тотувлик, мустақил Ватанимиз гуллаб-яшнаши йўлидаги меҳнатларида муваффақиятлар тилайман.

Ҳ. УБАЙДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ
қошидаги "Кўриқлаш" республика
бирлашмасининг бошлиғи,
милиция полковниги,

ХАЛҚНИНГ БОЙЛИГИ УЧУН ЖАВОБГАРМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Фарғона водийсининг фаоллари билан учрашувда қаттиқ тартиб ва интизом ислохотларни амалга оширишда муваффақиятларимизни кафолатлайдиган шак-шубҳасиз омилдир, деб таъкидлади.

Буларнинг ҳаммаси кўриқлаш бўлимларидан иқтисодиёт объектларидан хом ашё ва тайёр маҳсулотни ўғирлашларга қарши курашни кучайтириш бўйича жуда қатъий чоралар кўришни талаб этади. Кўриқлаш хизмати ходимлари вазирлик ва идоралар вакиллари билан биргаликда озиқ-овқат, гўшт-сут, енгил саноат ва деҳқончилик мажмуи корхоналарида техникавий жиҳозланганлик, бойликларнинг сақланиши қандай аҳволдалигини текшириш, ўтказилган рейдлар ва текширувлар натижасида шу йилда 16 мингга яқин ташмачи ушланди, улардан 183 минг сўмликдан зиёд товар-моддий бойлик мусодара қилинди.

ишчиси ушланди, унга нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Фикримча, шу мисолнинг ўзиеқ ўғирликларнинг ижтимоий хавфи жамиятга нафақат моддий, балки катта маънавий зарар келтириш билан белгиланишини кўрсата олади. Бундай ўғирликлар ҳеч қандай меҳнатсиз, тайёргар айёрлик билан моддий неъматлар олишга интилишни рағбатлантиради.

Эндиликда кўриқлаш бўлимлари фан ва техниканинг энг янги ютуқлари асосида ишлаб чиқарилган замонавий оғоҳлантириш воситалари билан жиҳозланган хизматдир.

Кўриқлаш хизматини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, ўғирлик ва талон-торожликларга қарши курашни кучайтириш бўлимларнинг иқтисодий самарадорлигини оширишнинг белгиларини йўналиши бўлиб, аввалгидек кўриқлашнинг техникавий воситаларини кенг жорий қилишга хизмат қилмоқда.

чиқариш бирлашмаси базасида оғоҳлантиригичларнинг тажриба намуналари тайёрланди, синовлар ўтказиб бўлинган, улар кенг миқёсда ишлаб чиқарила бошланади.

Биз фойдаланаётган оғоҳлантириш аппаратлари ҳар қандай вазиятда жиноятчининг кўриқланаётган объектга кирганлиги тўғрисида марказлаштирилган кўриқлаш пултига хабар беради. Ҳозир бу пулт томонидан 13 мингга яқин иқтисодиёт объекти ва фуқароларнинг 21 мингдан ортиқ хонадонни кўриқланмоқда.

Кўриқлаш хизмати ишининг самарадорлиги кўп жиҳатдан унинг ходимлари касб маҳоратига, маънавий хислатларига боғлиқдир. Хизмат тайёргарлигига доир машғулотларда назарий масалалардан ташқари жиноятчиларни тутиш бўйича ўтказилган операциялар таҳлил қилинади, нарядларнинг хатти-ҳаракатлари батафсил қараб чиқилади. Бундай машғулотлар ми-

шарт-шароитини яхшилаш, хизмат итларидан самарали фойдаланишни, фуқаролар ва корхоналарга хизмат кўрсатишни кенгроқ йўлга қўйиш ишларини режалаштириб қўйганмиз.

Туманимизда бўлима хизматини яхши тушуниган ва ундан бажонидил фойдаланаётган ташкилотлар жуда кўп. Хусусан, биз "Китоб" жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Зариф Бурхонов, ип-йигирув фабрикаси директори Салом Каримов, қумшағал саралаш ва темир-бетон буюмлари заводи бошлиғи Ботир Мавлонов, "Қашқадарёмармар" корхонаси директори Мейлик Бурхонов, 76-автокорхона директори Нуъмон Усмонов, шаҳар савдо ҳиссадорлик жамияти раиси Қахрамон Эргашев, шаҳар газлаштириш идораси бошлиғи Шухрат Ҳамроевлардан миннатдормиз. Улар ўз раҳбарликларидаги барча иншоотларни кўриқлаш бўлимаси

ҳимоясига топширганлар. Ҳамкорлик эса ўз самарасини кўрсатаётти.

Бўлимамиз фаолиятида ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам бор. Гарчи бу муаммолар илдири анча чуқур бўлса-да, биз ўз кучимиз билан ҳал қилишга ҳаракат қилиб келаямиз. Айниқса, ички ишлар бўлими билан яқин ҳамкорликда иш юритаётганимиз, бўлим бошлиғи, милиция подполковниги Баҳром Амиркуловнинг яқиндан кўмаклашаётгани ишимизга ривож берапти.

Республикаимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, жонажон юрти-миздаги тинчлик ва осойишталикни сақлаш, унинг бойлигига бойлик қўйиш, Президентимиз Фармонларини амалга ошириш учун бўлимаимиз ходимлари бор куч ва имкониятларини сарфлайверади-лар.

Лола ҲОҚОВА.

ХИЗМАТИНГИЗГА ШАЙМИЗ

МУСТАҚИЛ республикаимизда жиноятчиликка қарши курашиш давлат сиёсатининг муҳим бир йўналишига айланган. Зеро, жиноят шундай бир иллатки, у лоқайдлик бор жойда илдири отади, кўкаради ва яшайди. Ўз вақтида олди олинмаса, кескин чоралар кўрилмаса, иллат газак олиб кетаверади.

Милиция ҳаммаша жиноятчиликка қарши курашиб келган. Бугун эса бу янада кўпроқ масъулиятни талаб қилмоқда. Сабр-тоқат билан меҳнат қилиб, ҳалол луқма топишни қийин билган еки бардоши етмаган кимсалар ўзларини ҳар хил қинғир йўللарга уриб кетмоқдалар. Давлат ва фуқаролар мулкни ўғирлаш, талон-торож қилиш ҳоллари камаймапти. Буларнинг ҳаммаси фавқулодда чора-тадбирлар белгилашни кун тартибига қўймоқда.

Бизнинг Китоб тумани ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлимаимиз кўриқига топширилган 54 корхона ва хўжаликларнинг 139 тармоғида бирор-бир кўнгилсиз ҳодиса рўй бермаганлигини алоҳида таъкидлашга тўғри келади. Бу, аввало, кўриқлаш бўлимаси хизматида фойдаланишнинг афзаллигини кўрсатади. Чунки бундай ҳолда мулк хоҳ фуқароларники, хоҳ давлатники бўлсин туни билан қатъий назоратда бўлади. Кечки текширув гуруҳлари неча бор кўриқланадиган иншоотларда бўладилар, қоровулларнинг ўз вазифасини қандай бажарётганликларини

текширадилар.

Биргина шу йилнинг ўтган ойларида туман ички ишлар бўлими ҳузуридаги кўриқлаш бўлимасининг тунги текширув гуруҳлари 240 марта кузатиш ишларини олиб борди. Шу жараёнда ухлаб қолган еки постни ташлаб кетган маҳкама қоровуллари ишлайдиган корхона раҳбарларига ёзма муурожаат қилиниб, уларнинг вазифасига совуққонлик билан қараганликлари билдирилди.

Туманимиз тоғли зонада жойлашган эмасми, гиеҳвандликка қарши кураш ҳам милиция ходимларининг диққат марказида турибди.

Ички ишлар бўлими томонидан ташкил қилинган гуруҳга кўриқлаш бўлимаси ходимлари қўшилиб, бир неча бор рейдлар қилинди. Шу тадбир давомида бизнинг бўлимаимиз иштирокида, 7 гектар майдондаги эгасиз кўкноризор аниқланиб, йўқ қилинди. 5 нафар наша ўсимлиги эккан фуқаро қўлга олиниб, жиноий иш қўзғатилди. Кўриқлаш бўлимаси ходимлари ўтган ойлarda 6 та жиноий ишнинг очилишида иштирок этдилар ва 35 та майда ўғирлик ҳолатларини аниқладилар.

Ҳеч ким ондан жиноятчи бўлиб туғилмайди. Қандайдир таъсир, қандайдир тарбия уни йўлдан уради, қинғир ишга етаклайди. У ўз ниятини амалга ошириш учун — ўғирлик қилиш учун тинч жойдан макон қидиради. Бўлима хизматида фойдаланаётган корхоналар,

хонадонлар ёмон ниятли кишилар учун макон бўлолмайди. Бу билан юз бериши мумкин бўлган жиноятнинг олди олинади. Ишимизнинг профилактик жиҳати ҳам шунда.

Сафлар тоза ва мустаҳкам бўлса, иш ҳам ривож олаверади. Участка бошлиқлари Қўлдош Примов, Гузор Баҳромов, Ниёз Ражабалиев, милиционерлар Илҳом Пирназаров, Асад Ҳомидов, Ўктам Рустамов, Раббонукул Ҳасанов, марказлаштирилган кўриқлаш пулти операторлари Феруза Ражабова, Лола Ғаниева, электр таъмирловчилар Ҳусан Муродов, Раҳматулла Шералиев, Ўктам Расулов бизнинг ишончли кишиларимиздир. Қоровулларимиздан Сувон Боймуродов, Саид Пирназаров, Турдали Нуралиев, Ўрол Умиров, Эшбобо Мирзаев, Ислоҳ Жўраев, Ҳикмат Мухторов, Баҳриддин Мансуровларнинг помларини ҳам ҳурмат билан тилга оламиз. Қўлга олиш гуруҳи билан ҳаммаша машқлар ўтказиб, уларга иншоотларни кўздан кечириш ва жиноятчини қандай тутиш йўл-йўриқларини ўргатадиган марказлаштирилган кўриқлаш пулти бошлиғи Ғайрат Суноновнинг ҳам жамоада ўз ўрни бор.

Бажарилиши лозим бўлган ишларимиз ҳам анчагина. Техника воситаларини янгилаш, қоровуллар

СУРАТДА: Кўриқлаш бўлимаси пулт оператори Лола Ғаниева.

Сурат муаллифи Ҳусан РАҲМОНОВ.



МУСТАҚИЛ Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий негизини мустақкамлашда Қўриқлаш бошқармасининг ҳиссаси каттадир. Чунки бошқарма ходимлари давлат, жамоат ва фуқароларнинг шахсий мулкни жиноятчилар томонидан тажовуз қилинишидан сақлаб, халқимизнинг моддий ва маънавий бойлигини дахлсиз бўлишини таъминлайдилар.

Бу борада Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармасининг ҳам хизмати катта ва беқиёсдир. Қўриқлаш бошқармаси ташкил топганига 40 йилдан ошди вақт ўтди. Шу давр ичида бу бошқарма ходимлари ички ишлар идораларининг бошқа хизматчилари билан ёнма-ён туриб давлат, жамоат, фуқаролар мулкни сақлаш, жамоат тартибини ўрнатиш,

Азимов, милиция катта лейтенанти С. Ҳасанов МКП—2 бошлиғи, милиция капитани Б. Наханов, Миконд заводи ишчиси, 1956 йилда туғилган М. Каримова 2 та лаганны ўғирлаб кетаётганида қўлга олишган.

Жорий йилнинг 4 апрель куни Яккасарой тумани ИИБ қошидаги Қўриқлаш бўлими МКП—1 экипажи аъзолари содир этилган босқинчиликни иссиғида очишган. Яъни шу куни эрталаб соат 7 ларда Жанубий вокзалда 7 нафар кишидан иборат номаълум шахслар куч ишлатиб, Андижон вилоятининг Пахтабод туманидан келган Р. Мирзаевнинг 250 минг Россия рублини зўрлик билан тортиб олишган. Жабранувчи бу ҳақда ички ишлар бўлимига ўз вақтида хабар бергани учун ҳам жиноятчилар тез орада қўлга олинди.

М. Улугбек тумани ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бўлими МКП—1 экипажи аъзоларидан милиция катта сержанти А. Сайдов, милиция сержанти И. Мўминов, милиция сержанти И. Толипов 1960 йилда туғилган А. нинг номусига теккан 3-Тошкент депоси хайдовчиси Ч. И.ни аниқлаб, ушладди.

Шу куни А. Икромов туманида катта нозир, милиция катта лейтенанти М. Магруппов, милиция кичик лейтенанти А. Махамедов, кичик нозирлардан — Ковальчук, Суванов ва Ҳасановлар билан бирга ТОММЗ "Прогресс" объектдан чиқиб келаётган 1972 йилда туғилган С. Зийтуллаевни текшириб кўришганда, унинг ёнидан 27 см. узунликдаги совуқ курул — милтиққа ўхшаш мослама топилган. Ушбу факт бўйича жиноий иш қўзғатилган.

Яккасарой тумани ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бўлимининг сардори, милиция капитани М. Қирғизов ва оддий милиционер Аблаевлар томонидан 1971 йилда туғилган, муқаддам судланган, турар жойи ноаниқ Салахов ушланган. У Шайлуях деган шахснинг магнитофонини ўғирлаб кетаётган экан.

Бу каби ўғирликлар кўп ҳолларда объект техник ж и х а т д а н мустақкамланмаганилиги, айрим раҳбарларнинг эътиборсизлиги, ҳафсаласизлиги, қоровулларга маълум шарт-шароит яратиб берилмаганилиги оқибатида содир бўлмоқда. Корхона, муассаса раҳбарлари Қўриқлаш бўлимининг аниқлаётган камчиликларни тузатиш чораларини кўришмайди, натижада давлат ва жамоат мулки талон-торож бўлмоқда, ўғирлик содир этилмоқда.

Бугунги кунда давлат ва жамоат мулкни кўз қорачиғидай сақлаш, фуқаролар мулкнинг бутлигини таъминлаш, биз, Қўриқлаш хизмати ходимларининг бурчи бўлиб қолаверади.

И. ИСЛАМОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги
Қўриқлаш бошқармаси бошлиғи,
милиция подполковниги.

МУҚАДДАС БУРЧ

фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашда фаол иштирок этмоқдалар.

Ҳозир бошқарма тизимида 11 та Қўриқлаш бўлими фаолият кўрсатмоқда. Бошқарма ходимлари томонидан 1994 йилда 2789 та халқ хўжалиги объектлари, 14301 та фуқаролар хонадонлари Қўриқланади. Ҳозир 31 та марказлаштирилган Қўриқлаш пунктлари ишлаб турибди, кўплаб милиция маршрутлари ва уларнинг постлари фаолият кўрсатмоқда.

1994 йилнинг 9 ойи мобайнида ходимларимиз томонидан 448 та жиноят очилган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 34 тага кўпдир. Бунда Яккасарой, Ҳамза, Сирғали, С. Раҳимов ва А. Икромов тумани Қўриқлаш бўлимлари маҳорат кўрсатишган бўлишса, жамоат тартибини сақлаш борасида Миробод, А. Икромов, Яккасарой, Ҳамза, Қўриқлаш бўлимлари катта ҳисса қўшапти.

Халқ хўжалиги объектларидан давлат ва жамоат мулкни талон-торож қилишдан сақлашда Яккасарой, Чилонзор, Ҳамза, Шайхонтоҳур, Сирғали, С. Раҳимов, А. Икромов, Юнусобод тумани Қўриқлаш бўлимлари самарали ишларни амалга ошираётирлар.

Бошқармамиз ходимлари бундан ташқари шаҳар миқёсида ўтказилаётган "Қулф", "Комплекс", "Ҳашар", "Тўсиқ", "Тун", "Йўловчи" каби ўнлаб тадбирларда, оммавий жамоат ишларида фаол иштирок этмоқдалар. Ходимларимиз кўп ҳолларда сидқидилдан ишлаб, ўз бурчларини ҳалол адо этаётганлари бизни қувонтиради.

Фикримизнинг исботи учун мисолларга мурожаат этаман.

1994 йил 14 март куни "Комплекс" тадбири ўтказилди. Унда С. Раҳимов тумани ИИБ Қўриқлаш бўлими бошлигининг муовини, милиция майори С.



СУРАТЛИ АХБОРОТ

Республикамизнинг автомагистралларида содир бўлиши мумкин бўлган фожиаларнинг олдини олиш ДАНБ ходимларининг хизматига боғлиқ.

Суратда: Тошкент вилояти ИИБ ДАНБ 2-махсус взводи нозир, милиция кичик сержанти Усмон Балчинбоев (ўртада) ва шу взводнинг катта нозир, милиция лейтенанти Маъруф Норқўзиевлар автомашина хайдовчисининг хужжатларини текширапти.

Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.

"01" хабарлари

жиҳозлари ёнган бўлса, Ашуровларнинг ошхона ва ошхона анжомлари билан бирга дарвозахонаси ҳам яхшигина зарарланди.

1 ОКТЯБРЬ куни Самарқанднинг Боғишамол туманида истиқомат қилувчи М. Аҳмедов ёр киздираман деб биратўла уйининг шиферли томи, ошхонаси ва "озгинагина" уй анжомларидан ҳам айрилди.

2 ОКТЯБРЬ куни хивалик Маткаримовнинг хонадонидан ёр билан бир қаторда ошхонаси ҳам ёниб-кетди.

7 октябрь КУНИ Самарқанд шаҳар, Уста Кулол кўчаси 4-уйда яшовчи Ш. Сирожитдиновнинг доғланаётган ёғи, бостирмаси, ошхонаси "тамом" бўлди.

15 ОКТЯБРЬ куни эса "занжир-ёнгин" содир бўлди. Тошкент шаҳрининг Собир Раҳимов туманидаги 68-уйда яшовчи нафақадаги киши, 65 ёшли Х. Насриддиновнинг ошхонасида киздирилаётган ёғдан чиққан ёнгин 18, 61, 66, 68, 70, 70-а уйларга ҳам ўтиб кетди ва катта моддий зарар етказди.

СЎНГИ хабаримиз 17 октябрь куни юз берди. Самарқанд вилояти, Каттақўрғон туманининг Султонова номили жамоа хўжалигидаги Ровот кишлоғида яшовчи С. Рўзиевнинг қозонда ёр киздираётган, ёндириб юборди. Оқибатда 85 фойз таъ жароҳати олиб, касалхонага тушди ва 18 октябрь куни оламдан ўтди...

Келтириб ўтилган мисоллардан кўриниб турибдики, бир жиҳатдан оддийгина хўжалик иши ҳисобланган — киздириш жараёнида ҳам ёнгин хавфсизлиги қондаларига қатъий амал қилиш лозим экан. Акс ҳолда ўзимиз "доғ"да қолишимиз ҳеч гап эмас.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ
Ёнгиндан сақлаш бошқармаси матбуот гуруҳи.

Қилмиш—қидирмиш

сўнг улар кундуз соат 2 ларда кўз остиларига олиб қўйган уйнинг эшигини тақиллатишди: Уй эгаси эшик олдида 30 ёшлардаги аёл турганлигини кўриб эшикни очди. Эшик очилгач, яшириниб турган Воҳид ҳам ўзини ичкарига урди. Кутилмаган "меҳмонларнинг" ўзларини гайритабиий тутишларию, важдатларини кўрган уй эгаси М. Юнусова ўзини йўқотиб қўйди. Босқинчилар вақтни ўтказмай, уй эгасининг қўл-оёғини боғлаб, қўрқитиб, катта миқдордаги нарсаларни олиб чиқиб кетишди. Жабранувчи қўл-оёғини ечиб, ўзига келганида, босқинчилар воқеа жойидан узоқлашиб, аллақачон инларига кириб кетишган эди.

Вилоят ички ишлар бошқармаси жиноят-қидирув бошқармасининг тезкор ходимлари жиноятчиларнинг кўринишлари, ҳаракатлари тўғрисида уй эгасидан тўлиқ маълумот олишгач, зудлик билан ишга киришди. Аммо жиноят содир этишда устаси фаранг бўлиб кетган бу босқинчиларни аниқлаш осон бўлмади. Милиция ходимлари неча тунларни тонгларга улаб бедор ўтказишди. Ниҳоят, босқинчилар аниқланиб, қўлга олингач, улардан далилий ашё сифатида ўтирилган моллар оlinиб, эгасига қайтарилди. Тергов давомида Воҳид А.нинг Андижонда содир этган жинояти ҳам аниқланди. Ҳар иккала босқинчи одил суд олдида ўз қилмиш учун жавоб берадиган бўлишди

Шўҳрат Қўлдошев,
милиция майори.


ЎХШАТМАСА — УЧРАТМАС

ОТА-БОБОЛАРИМИЗНИНГ "ўхшатмаса-учратмаса" деганлари бежиз эмас экан. Воҳид ва Шарофат Бухоро шаҳрида тасодифан кўчада учрашди. Бир муддат суҳбатлашгач, фикрлари бир ердан чиқиб, бир-бирларига маъқул бўлди. Воҳид Андижон шаҳрида яшар экан. У Бухорога меҳмон бўлиб келганлигини, яшашга жойи йўқлигини Шарофатга айтганда у меҳмонни уйига таклиф этди. Бундай илтифотни кутмаган Воҳид дарров рози бўлди. Бозордан газак учун у-бу нарса харид қилди ва аёлнинг уйига келишди. Шарофатнинг уйда ўзидан бошқа ҳеч ким турмаслигини кўриб, Воҳиднинг кайфияти янада кўтарилди. Табиатан чакқон бўлган уй эгаси эса бир зумда дастурхон тузди ва суҳбатни-суҳбатга уловчи "оқидан" бир шиша келтириб қўйди.

Кўчаларда тентираб юриб, кўпдан бери дастурхон атрофида эркин ўтирмаган Воҳид учун бу кун гўёки байрам эди. Дастурхондаги шиша бўшагач, иккаласи бир-бири билан янада яқиндан танишишди. Шундан сўнг ширакайф Воҳид Бухорога шунчаки келмаганини, муқаддам — 1984 йилда фуқаролар мулкни ўғирлагани учун қамалиб чиққанини, озодликка чиққач, иккинчи марта

ўғирликка қўл уриб, яна 6 йилга озодликдан маҳрум этилганини, сафарга чиқишдан олдин бир фуқаронинг шахсий енгил машинасини босқинчилик йўли билан ўзлаштириб, уни сотиб юборганини, ўзини эса ўлдирганини, айтиб берди. Воҳид уни ўзига яқин олиб, ҳамма гапни очикдан-очик айтиб бергани Шарофатга таъсир этиб, унинг ҳам ҳаётда омади келмаганини, жиноят содир этганлиги учун бир марта шартли жазога тортилганлигини, ҳозир эса ҳеч қаерда ишламаслигини Воҳидга тўқиб солди.

Тақдирларининг бир-бирига ўхшашлиги уларни янада яқинлаштирди ва аёлнинг уйда никоҳсиз бирга яшай бошлашди. Улар ҳеч қаерда ишдамасдан кўрсичқондек уйга қамалиб ётишдан зерикшиди ва пул топиш режасини тузишди. Энди улар шаҳар кезиб, қайси фуқаронинг уйда нарса кўпу, уни қачон ўғирлаш қўлайлигини кузатишди. Ва ниҳоят, улар ўзларига маъқул бир уйни танилаб, кузатишни давом эттиришди. Уй эгалари қачон ишга кетишди, қачон қайтишди, уйга кимлар келадую, ким қолади. Бир неча кунлик кузатувдан



ЯНГИ БИНО МУБОРАК!

ЯҚИНДА БАЛИҚЧИ туман ИИБ ходимлари ажойиб совға олдилар — улар типовой лойиҳа асосида қурилган янги бинога кўчиб ўтдилар. Кенг ва шинам хоналар, спорт ва мажлис заллари, ўқ отиш майдончаси, дам олиш хонаси, кўкаламзор


ҳовли жамоат тартиби муҳофазачиларининг самарали ишлашига катта имкон яратиши шубҳасиз.

Суратларда: Андижон вилоят Балиқчи туман ИИБнинг янги биноси. Навбатчилар қисмининг катта инс-пектори,

милиция капитани **Х. Бозоров** ва наватчининг ерданчиси, милиция старшинаси **Н. Ботиров** наватчилик пайтида. Жиноятқидирув катта тезкор вакили, милиция капитани **Ахмаджон Мамажонов** ички ишлар идораларида 1976 йилдан бери хизмат қилади, оддий милиционерликдан участка вакилигача кўтарилди. Ҳозирги вақтда янги вазифасини муваффақият билан ўзлаштираётган. ИПХ инспектори, милиция кичик сержанти **Р. Аббосов** ички ишлар идораларида 1989 йилдан бери ишламоқда, ўз вазифаларини сидқидилдан бажаради.

ДАН бўлини маси бошлиғи, милиция майори **Х. Ҳамидов** йўналишга чиқишдан олдин **ДАН** ходимларига йўл-йўриқ бермоқда.

Б. КЛЕЙМАН олган суратлар.



РЕСПУБЛИКА ички ишлар идоралари кейинги пайтларда шахсий таркиб ўртасида қонунчилик ва интизомни мустаҳкамлашга доир бир қатор муайян тадбирларни амалга оширишди. ИИБ идоралари барча даражадаги раҳбарларнинг, барча ходимларнинг саъй-ҳаракатлари ишда уюшқоқликни, жиноятчиликка қарши кураш натижалари учун масъулиятни оширишга қаратилди. Бунда хизмат фаолиятида қонунчилик ва интизомга риоя қилинишига, нуқсонларни бартараф этишга катта эътибор берилмоқда.

ҚОНУНЧИЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ — МУШТАРАК БУРЧИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Хайъати томонидан шу йил январидан 1994 йилни сифат йили деб эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилинганлиги самарали чоралардан бири бўлди. Хайъат ички ишлар идоралари фаолиятидаги барча салбий ҳодисаларга қарши қатъият билан кураш олиб боришга, ҳар бир ходимнинг қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш борасидаги шахсий масъулияти ва фаоллигини кўтаришга, ҳар доим ва ҳамма ишда юксак гоъвий-ахлоқий хислатларни намойиш этишга, қонунчилик ва интизомни бузишларни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этишга, ҳуқуқ-тартиботни бузувчилар теварагида мурасасизлик ва ялпи қоралаш муҳитини барпо этишга, ўз обрўсини тўққан номусиби ходимлардан қатъият билан халос бўлишга даъват этди.

Ички ишлар идоралари ходимларининг аксарияти Республика ИИБ Хайъатининг ташвишини тўғри қабул қилди ва зарур ҳулосалар чиқариб олди. Республика ИИБ томонидан ҳамма жойда ўтказилган, қонунчилик ва хизмат интизомини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган семинар-кенгашлар камчилик ва нуқсонларни юзотир қилмасдан очиб ташлаш ва бартараф этишга, қонунчилик ва интизомга қатъиян амал қилиниши учун ҳар бир ходимнинг шахсан масъулиятини ҳар томонлама оширишга доир, саъй-ҳаракатларни доимий равишда йўналиштиришга даъват этди. Фуқаролар билан мулоқотда бюрократизм ва сансалорлик, бағритошлик, кўполлик кўринишларига қарши изчил курашишга қаратилган катта миқёсли тадбирлар муҳокама қилинди.

Қабул қилинган ташкилий ва тарбиявий чоралар, раҳбариятнинг иш услуби ва усулларини қайта қуриши натижасида ички ишлар идораларида талабчанлик, шахсий таркибнинг фаолияти учун масъулилик руҳи

мустаҳкамланмоқда. Шу йилнинг тўққиз ойи ичида умуман Республика ички ишлар идораларида интизомни бузишлар сони камайди, бир қатор вилоят ИИБларида ҳам қонунчиликни бузиш фактлари анча озайди.

Шу билан бирга, айрим ходимлар томонидан қонунчилик ва интизом бузилиши, хизмат мавқеи суниестемол қилиниши, ғайриахлоқий хатти-ҳаракатлар содир этилиши, гоъда таассуфки, ҳали ҳам учраб тураётганини ва ички ишлар идоралари обрўсига жиддий зарар келтираётганини, уларнинг амалий

фаолиятига жуда салбий таъсир кўрсатаётганини таъкидламоқчиман.

Бундай шармандали ҳолатларнинг яшовчанлигига, фикримча, уларнинг доим ҳам принципиал равишда баҳоланмаслиги, жамоада кенг муҳокама қилинмаслиги, улар атрофида тоқатсизлик ва мурасасизлик вазияти яратилмаслиги сабаб бўлмоқда. Ички ишлар идораларининг баъзи раҳбарлари ҳали ҳам қонунчиликни мустаҳкамлашни мунтазам равишда ташкилотчилик ва тарбиявий иш олиб боришнинг энг муҳим муаммоларидан бири деб билмаётганлиги, қонунчиликни бузувчиларга нисбатан ўзини ҳеч ҳам оқламайдиган юмшоқлик кўрсатмоқдалар. Уларнинг баъзилари эса қонунчилик ва интизомга қатъиян риоя қилишда шахсий намуна кўрсатмаётганлиги, ўз ходимлари ўртасида яқка тартибдаги тарбия ишини етарли даражада ўтказмаётганлиги, уларнинг ишчанлик ва маънавий хислатларини билмайдиганлиги, ходимларнинг хизматдан ташқари ҳаёти, турмуши, ҳулқ-атвори ва қизиқишларидан хабардор бўлмайдиганлиги.

Қунончи, бир қатор ички ишлар идораларида ходимлар тарбияси умумий тусдаги тадбирлар билан чеклаб қўйилган, аввало қонунчилик ва интизомни бузишга энг кўп йўл қўйилаётган хизматларда яқка тартибда тарбиявий иш олиб боришга аҳамият берилмайдиган. Раҳбарлар ўз ходимларининг хизматдаги тайёргарлигини, уларнинг касб маҳорати ва маданий савиясини оширишга доир ишни ва улар тарбиясини яхшилашга тегишли даражада таъсир кўрсатаётган ҳоллар жуда оз. Улар ўртоқлик судларига суиестемол равишда, еш ходимлар, уларнинг касбий ўсишлари тўғрисида етарлича ғамхўрлик кўрсатмайдилар. Айни вақтда қонунчиликни кўп ҳолда бузишлар шахсий таркибни ўқитиш ва унга йўл-йўриқ кўрсатишдаги

камчиликлар, ходимларнинг тажрибасизлиги, ўз ҳуқуқ ва бурчларини, ҳаракат қилиш ва қарор қабул қилиш тартибини юзаки би-лишлари билан боғлиқ.

Таъкидланган камчиликларни бартараф этиш учун республика ички ишлар идоралари ва бўлимларининг раҳбарларига шахсий таркиб ўртасида қонунчилик ва хизмат интизомини янада мустаҳкамлаш вазифаларини ҳал этиш шахсий тартибни яқка тартибда, ахлоқий-ҳуқуқий ва касбий тарбиялаш таъсирчанлигини оширишни тавсия қиламиз. Қонунчиликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим воситаси сифатида ИИБнинг шахсий таркиб тарбияси бўйича иш аҳволи учун бошлиқ ва сардорларнинг шахсан жавобгарлиги тўғрисидаги талабларини суиестемол бажаришни таъминлаш лозим. Ҳар томонлама тарбиялаш чоралари, изчил назорат ва талабчанликни амалга ошириш, ҳар бир жамоада юксак уюшқоқлик, ҳуқуқ ва касбий этика меъерларини ҳар қандай бузишларга нисбатан тоқатсизлик ва мурасасизлик муҳитини яратиш шарт. Ҳар бир ходим қонунчилик ва хизмат интизомига қатъиян амал қилинишига чуқур шахсан масъулият ҳиссида эга бўлишига, бундан кейин ҳам ИИБ идораларида қонунни бузганлардан қаттиқ туриб, талабчанлик ва юзотир қилмасдан талаб қилинишини дилга пухта жойлашларига эришиш даркор.

Ўйлашимча, яқинда ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясининг профессор ва ўқитувчилари мен тилга олган масалалардан четда турмайдилар. Улар Вазирлик аппаратининг манфаатдор хизматлари билан биргаликда ички ишлар идоралари ва бўлимларининг айрим ходимлари содир этётган ҳуқуқбузишларнинг олдини олиш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқа оладилар. Шунингдек, еш авлодини ўқитиш ва тарбиялашни ташкилий, уни хизматда муқимлатишни яхшилаш ҳамда шахсий тартибнинг ахлоқий-руҳий ҳолатини мустаҳкамлаш, интизомий амалиётни янада такомиллаштириш, айрим раҳбарлар томондан маъмуриятбозлик қилиниши, асос-далилиз жазолашлар ва тақдирлаш ҳолларига барҳам бериш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишлиши керак.

Газетхонлардан, ички ишлар идораларининг фахрийларидан мен тилга олган ички ишлар идоралари фаолиятида қонунчиликни янада мустаҳкамлаш масалаларига доир ўз фикр-мулоҳазаларини газета орқали айтишларини, қонунчилик ва хизмат интизомни бузилиши фактларига кескин муносабатда бўлиб, кенг ошқораликка амал қилишларини, шахсий таркибни қасамга содиқлик ва хизмат бурчини нэмунали бажариш, муштакил навқирон давлатимиз манфаатларини ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш руҳида тарбиялашда жонбозлик кўрсатишларини илтимос қиламиз.

Я. ТИМОШЕНКО,
Ўзбекистон Республикаси
ИИБ бўлими бошлиғи,
ички хизмат полковниги.

Қисқа хабарлар

ҚАМОҚДАН ЧИҚДИ-Ю...

ШУ ЙИЛНИНГ 16 сентябрь куни эрталаб соат 7 ларда Урганч шаҳар 1 Май кўчасининг 100-хонадонига яшовчи, 1962 йил туғилган П-гуруҳ ногирони Ҳалима Матекубовани номаълум шахс қаттиқ нарсаси билан бошига уриб ўлдирган. Олиб борилган тезкор қидирув ишлари натижасида жиноятчи қўлга олинди. У Урганч шаҳрида яшовчи илгари судланган Одилбек С. бўлиб чиқди.

Эндигина 32 ешга кирган Одилбекни такрорий жиноятга қўл уришга нима мажбур қилганлигини Урганч шаҳар прокуратураси аниқлайди.

ИНСОФСИЗ ФИРИБГАР

ДЎСТЛИК шаҳрида яшовчи Одамбой Х. ҳеч қаерда ишламасдан фибрибарлик йўлига ўтиб олди. Қуларнинг бирида у Дўстлик шаҳрининг Ленин кўчасида яшовчи Р. Матекубовга енгил автомашина олиб бераман деб, нақд 20 миллион сўм-купонни чўнтагига уриб бамайлихотиргина юрверади. Орадан 9 ой ўтса-да, машинадан дарак бўлмади. Қутишдан тоқати тоқ бўлган Р. Матекубов Дўстлик туман ИИБга хабар қилишга мажбур бўлди.

Айни кунда бу инсофсиз фибрибар тергов қилинмоқда.

37 КИЛОГРАММ 400 ГРАММ ГИЁҲВАНД МОДДА

4 ОКТАБРЬ куни Хоразм вилоят ИИБ ЖҚБнинг 3-бўлинима ходимлари Урганч шаҳрида яшовчи Йўлдош Мадаминовнинг уйини тинтув қилишди. Натижада бу бекорчининг уйдан 37 килограмм 400 грамм марихуана топилиди. Энди у тергов давомида бу гиёҳванд оғуни нима мақсадда тахлаётганини айтса ажабмас.

ЧАҚАЛОҚНИ КИМ ТАШЛАБ КЕТДИ?

КЕЧҚУРУН соат 23 дан 20 дақиқа ўтганда Гурлан

тумани К. Маркс кўчасида яшовчи Худоёр Ражабовга қарашли бўлган трактор аравасидан янги туғилган чақалоқ йиғиси эшитилди. Хонадон соҳиби тезда уни ўз бағрига олди.

Гурлан туман ИИБ чақалоқни ким ташлаб кетганлигини аниқлаш мақсадида суриштирув ишлари олиб бормоқда.

ДОЛЛАРЛАР ҚАЛБАКИ ЧИҚДИ

УРҒАНЧ шаҳар, П. Маҳмудов кўчасининг 7-хонадонига истиқомат қилувчи Виктория П. шаҳар бозорига бориб, номаълум шахсдан 100 Америка долларини сотиб олди. Афсуски Виктория долларларнинг қалбаки эканлигини анча кеч билди.

АҲМАДЖОН МУЛЗАМ БЎЛДИ

ВИЛОЯТ ИИБ ЖҚБ гиёҳвандликка қарши кураш бўлини маси ходимлари Богот туман ИИБ ЖҚБ даги ҳамкасблари билан биргаликда тумандаги "Ғалаба" жамоа хўжалигида яшовчи Аҳмаджон С. нинг хонадонига келишди. Аҳмаджоннинг уйи кўздан кечирилганда 419 грамм тарек, 412 грамм майдаланган кўкнор ўсимлиги топилиди. Бу жиноий иш юзасидан Богот туман ИИБ тергов олиб бормоқда.

ПОРАХЎР ДЎХТИР

ДЎСТЛИК туман марказий касалхонасининг травмотология бўлими мудир Б. О. "Тез ердан" машинаси ҳайдовчиси Одамбой Бобожоновадан турмуш ўртоғини даволаш учун 300 сўм пора олди. Порахўр дўхтирнинг чўнтаги тинтув қилинганда ундан 1,3 грамм тарек топилиди.

Шу кунларда Дўстлик туман ИИБ бу порахўр шифокорнинг қандай "дард"га чалинганлиги аниқламоқда.

Х. НУРУЛЛАЕВ,
Хоразм вилояти ИИБ штаби катта нозир,
милиция подполковниги.

ТУНГИ ТАЛОНЧИ

ШУ ЙИЛНИНГ 29 сентябрга ўтар кечаси қўшни Сурхондарё вилоятдан йўл олган "КамАЗ-5320" русумли 03-63 СДМ белгилли автомашина Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод тумани ҳудудига тўхтади. Узоқ йўл сафаридан чарчаган ҳайдовчи ва унинг ёнидаги йўловчи бироз дам олишмоқчи эди. Шу пайт осмондан тушган калхатдай машина ёнига "Жигули" келиб тўхтади. Ундан тушган гавдали йигит туйқусдан йўловчиларга ҳезланиб, кўрқитишга тушди. Нойлож қолган ҳайдовчи автомашинадан 65,5 метр узунликдаги беқасам ва 21 дон

кўк халатли тунги талончи қўлига топширди. Ўлжага эгалик қилгач, талончи "Жигули"га қўндию бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Саросимада қолган йўловчилар дарҳол Деҳқонобод тумани ички ишлар бўлимига мурожаат қилишиб, воқеани баён этишди. У ердан бошқарма навбатчилик қисмига хабар беришди.

Бошқарма навбатчиси, милиция катта лейтенанти Анвар Эшбоев ва унинг ёрдамчиси, милиция катта лейтенанти Фулом Жумаевлар "Қопқон" тадбирини уюштириб,

Қамаши ва Ғузор туманлари ички ишлар бўлимининг тезкор тергов гуруҳини оёққа турғазди. Тезкорлик билан кўрилган чора туфайли талончини қўлга олишга муяссар бўлишди. Талончи ўзига тегишли оқ тусли "Жигули" машинаси билан Ғузор туманининг Пачкамар қишлоғида ҳиргойи қилиб келатганида рўпарада қўйилган тўсиққа дуч келди. Қўшиғи бўғизга тикилди. У шу туманининг Пачкамар қишлоғида яшовчи Али Э. бўлиб чиқди. Унинг бинойидек ошпазлик касби бор экан. Ўғирланган ашёлар олинди. Талончини қўлга туширишда Ғузор тумани ички ишлар бўлимининг ходимлари алоҳида ҳушёрлик кўрсатдилар. Талончи устидан текшириш ишлари Деҳқонобод тумани ИИБда олиб борилаётир.

ОЛОВНИ ТИЗГИНЛАШДИ

ОЛОВ—ТИЛСИЗ ЁВ, деб бекорга нақл қилинмайдми. Баҳористон туманининг шимолий Ўртабўлоқ ҳудудига жойлашган Қарши нефть конлари бошқармасининг 65-нефть қазиб чиқариш қудуғида таъмирлаш ишлари олиб борилаётганда беҳосдан

қувурдан учкун чақнаб, ёнғин чиқди. Натижада пармаловчи Баҳром Отажонов қаттиқ куйиш туфайли воқеа жойида вафот этди. Уста Хидирназар Боймуродов 15 фойз куйиши оқибатида шифохонага ётқизилди. Ногоҳон ўрлаган оловни

ўчириш 5 соат 20 минутга қадр давом этди. Сарик "аждаҳо"ни даф қилишда пармалаш бригадаси аъзолари ва Баҳористон тумани ИИБ ёнғиндан сақлаш бўлими маси ходимларининг жасорати таҳсинга лойиқдир. Уларнинг тинимсиз саяёҳаракатлари туфайли олов тизгинланди.

Ў. ҲАЙДАРОВ,
вилоят ИИБ матбуот
гуруҳининг катта муншари,
милиция катта лейтенанти.

ЎПҚОННИНГ ҲАМ ТУБИ БОР

ДАВЛАТИМИЗ раҳбари ўтказилаётган у ёки бу йўналишларнинг деярли барчасида нефть ва унинг маҳсулотларидан оқилона фойдаланиш тўғрисида алоҳида таъкидлаб ўтади. Чунки ёнилғи ва ёқилғи маҳсулотларининг валюта ҳисобига хорижий давлатлардан келтирилатганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Афсуски, шароитдан келиб чиққан ҳолда бирни қирқ бўлиб ишлатиш, ёнилғига бўлган муаммоларга чек қўйиш ўрнига айрим нефть маҳсулотлари билан таъминлаш корхоналари раҳбарлари акс йўлни тутмоқдалар. Тўғрироғи, улар ўз нафслари йўлида умумхалқ манфаатини

эсдан чиқариб қўймоқдалар.

Жумладан, Нишон тумани нефть маҳсулотлари билан таъминлаш корхонасининг директори Жонибек Малхаров, омбор мудир Холмурод Қиёмовлар йўл учун сохта ҳужжатлар тўлдириб, сўнгра тумандаги 7-давлат хўжалигига қарашли автомашина билан 4821 литр "А-72" бензинини белгиланганидан юқори нархда сотиб, пулини бўлишиб олишган. Ушбу "савдо-сотиқ" орқасидан директор нақд 5000 сўмлик бўлган.

Омбор мудир Х. Қиёмов жавобгарлигидаги нефть маҳсулотлари бошқа моддий жавобгар шахсга олиб топширилиши давомида "А-72"

бензинидан давлат баҳосида 11613 сўм, аҳолига нақд пулга сотиш баҳосида эса 41912 сўм бўлган 20 тонна 956 килограмм камомад аниқланди. Тўрт турдаги автомобил "мойдан эса 11 тонна 779 килограмм ошқича эканлиги ҳам маълум бўлди.

Ушбу фактлар асосида корхона директори ва омбор мудир ҳибсга олинди.

Ҳар қандай ўпқоннинг ҳам туби бор. Ундан чиқиб олиш эса жуда-жуда мушкул. Буни унутганлар қайта эслаб олишсин.

Н. НЕЪМАТОВ,
Қашқадарё вилоят ИИБ бўлими
бошлиғи, милиция майори.



Шабриқларимиз!

Меҳрибон адажонимиз — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ходими, милиция майори Яшнар АЗИЗОВНИ туғилган кунлари билан чин қалбдан табриклаймиз! Адажонимизга саломатлик, узоқ умр, шарафли ва масъулиятли ишларида зафарлар тилаймиз. Ҳамиша омон бўлсинлар!

Эхтиром билан
рафиқаси
ХОЛИДАХОН,
фарзандлари — УМИДЖОН, ЗИ-
ЁДАХОН ва САНЖАРБЕК.

1972 йили Тошкент Давлат дорилфунуни битирган Валерий Жўраевич Аҳмедов Тошкент вилоят ИИБ да ишлай бошлади. Унинг Тинч океан флотига тўрт йил хизмат қилганини ва хоҳишини ҳисобга олган кадрлар бўлими Аҳмедовни жиноят-қидирув бўлимига: жиноятчиликка қарши курашнинг олдинги маррасига юборди. Валерий Жўраевич дастлабки кунлариданоқ жиноятчиларни, бедарак йўқолган фуқароларни қидириш билан шуғулланди.

Унинг биринчи ўқитувчиси ва мураббийси Ғ. Т. Тошматов бўлди, у ўз шоғирдида қидириш ишига меҳрни ва ўз касб маҳоратини такомиллаштиришга интилишни тарбиялади. Бунинг натижалари тезда намоён бўлди: Ўрта Чирчиқ туман ИИБ томонидан 14 йилдан буён қидирилаётган қотил П. Дедискен, 20 йилдан буён қидирувда бўлган ўғри А. Пак, гуруҳ таркибда тажовузчи Р. Шегалиев, Оҳангарон шаҳрида икки милиция ходимини отган ака-ука Гречинскилар тўдаси қўлга олинди.

Аҳмедовнинг қидирув фаолиятида бундай воқеалар кўп бўлган. Лекин унинг ўзи камтарлик билан уларни эсламасликка ҳаракат қилади.

Валерий Жўраевичнинг шоғирдлардан ҳам омади келган. Унинг кўплаб шоғирдлари Тошкент вилоятида раҳбар милиция ходимлари бўлиб ишлайдилар. Масалан, С. Т. Облобеков Чирчиқ шаҳар ИИБ бошлиғи бўлиб хизмат қилади.

Вақт ҳаёт оқимида ўз тузатишларини киритмоқда. Талабларнинг ўсиши билан ҳуқуқни

муҳофаза қилиш идораларида янги хизматлар ташкил этилмоқда. Милиция подполковниги В. Ж. Аҳмедов Тошкент вилоят ИИБ ЖООБда ташкил этилган жамоат ахлоқи соҳасида ҳуқуқбузишларнинг олдини олиш хизматида уч йилдан бери раҳбарлик қилмоқда. Унинг ходимлари фоҳишабозлик, гиеҳвандликка, ёшлар ва ўсмирларга зарарли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа иллатларга қарши курашмоқдалар.

Аҳмедов бунда ҳам ёш ходимлар билан ўзининг бой тажрибасини баҳам кўрмоқда, уларнинг ишдаги муваффақиятлари билан фахрланиб, бу хизмат мавқеини оширмоқда. Натижалар эса ёмон эмас: юзлаб гиеҳвандлардан ана шундай оғулар мусодара қилинди, фоҳишалар билан шуғулланувчи ўнлаб аёллар маъмурий жавобгарликка тортилди, даволанишдан бош тортиб юрган, тери-таносил касаллиқлари билан оғриган беморлар аниқланиб, чора кўрилди, қўшмачилик уялари фаолиятига барҳам берилди.

Бўлимнинг ҳар бир тадбири вилоят ИИБ ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси раҳбарияти билан келишиб олинади, натижалари кенг таҳлил қилинади. Кўп иш қилинди, лекин олдинда катта ишлар турибди!

Валерий Жўраевични қутлук 50 ёши билан табриклав, унга соғлиқ, қийин ва фойдали ишда муваффақиятлар тилаймиз. "Доим шундай хизмат қилинг!"

Тошкент вилоят ИИБ ЖООБ
раҳбарияти ва шахсий таркиби.

УЧАСТКА ВАКИЛЛАРИГА йўл-йўриқ бериш узоқ давом этмади. Латиф хизмат кўрсатиладиган ҳудуддаги вазиятни таърифлади, сўнгра уларнинг ҳар бирига муайян топшириқ берди, ҳамма тарқала бошлади.

— Ўз тажрибамдан яхши

устларидан қатъий назорат қилиб туриш тақозо этиладиган етмишдан зиёд киши ҳам яшайди. Ҳисобда турадиганлар орасида аввал судланган кишилар алоҳида ўринни ташкил этади. Улар одатда, онгли равишда қонунни бузган кишилар бўлиб, уларни яхши сўзлар ва ваъдалар билан

Латифнинг олдига келди.

Катта участка вакили мактаблар маъмуриятини айблаб ўтирмади, фақат Ревага аввалги ҳатоларини энди қайтармаслигини, меҳнатда исботлашни маслаҳат берди.

Рева гишт заводига ишга жойлашди, тўғри, бунинг учун

бирок тақдир уни Шеров билан учраштирди. Шеров унга иш топиб бериши мумкинлигини айтганда Сергей рози бўлди. Катта участка вакилининг ердами билан у фермада ёрдамчи ишчи бўлиб ишлай бошлади.

Участка вакилларининг баъзи кунлари гоёта тер тўкиб

лиш имкониятини бой бермайдми. Шу ердаги мактабнинг тўрт ўқувчиси бир хонадонга ўтиришга тушишганидан сўнг Латиф синфдан ташқари тадбирлар ташкилотчиси Л. Тен билан биргаликда ўз ишларини тубдан қайта қурдилар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари билан тез-тез учрашувлар, ҳуқуққа доир висториналар уюштира бошладилар.

Айни катта участка вакили ҳуқуқбузишга мойил ўсмирларга катта синфларнинг ўқитувчи ва ўқувчилари бириктириб қўйилишини тақлиф қилди.

Аҳмад Ясавий номи жамоа хўжалигининг раиси А. Машахонов сим орқали бирорта кенгашни ҳам Л. Шеров иштирокисиз ўтказмайдми. Уларга у милицияга ёрдам бериш отрядларининг иши ҳақида ахборот беради, навбатчи машина ажратиш графигини баъзан бузадиган участка бошқарувчиларига танбех беради.

Бирок хўжалик раҳбари билан катта участка вакилининг ўзаро ҳамкорлиги бу билан чекланмайдми. Абдумажид Гойибберганович Латифнинг хонасида тез-тез бўлади, фуқароларни қабул қилишда иштирок этади. Бундай ҳамкорлик яхши натижа бермоқда. Шеров хизмат кўрсатаётган ҳудудда жиноятчилик барқарор равишда камайиб бормоқда.

Ш. АҲМЕДОВ,
милиция подполковниги.

ҲАММАСИ УЧУН ЖАВОБГАР

билиманки, — деди мен билан суҳбатлашаркан Юқори Чирчиқ туман ИИБ катта участка вакили Л. Шеров, — ҳудуд узоқ вақт участка вакилисиз қолиши мумкин эмас, шунинг учун йўл-йўриқ беришни чўзмасликка ҳаракат қиламан. Энг асосий нарс ҳақида қисқagina гапираман.

Участка вакили ўз ҳудудига туман милиция идорасининг барча вазифаларини бажариши ҳеч кимга сир эмас, кишилар энг қийин дақиқаларда ёрдам сўраб унга мурожаат этадилар.

Латифнинг хонасида бўлганимда бунга яна бир марта ишонч ҳосил қилдим. У участка вакиллари-чиқиб кетиши билан бу ерга ёрдам, маслаҳат сўраб келувчилар йўлга бошлашди. Баъзилар ўз кулфатларини айтиб, ёрдам сўрашарди, бошқа бирлари эса хорижга бориб келиш учун ҳужжатларни қандай расмийлаштириш кераклигини сўрадилар.

Катта участка вакили хизмат кўрсатадиган ҳудуд катта. Бу ерда

тузатиш мумкин бўлмаса керак. Бунда янада салмоқлироқ далил-исботлар зарур.

Катта участка вакили илгари оғир жинояти учун судланган Рева П. унга ёрдам беришга интилаётганини, унда ўз ҳаётини ўзгартириш учун имконият бориғини тушуниб етиши учун кўп ҳаракат қилганини яхши хотирлайди.

— Тўғри йўлдан тойган кишилар, — деб тушунтиради Шеров, — қуруқ сўзларга ишонмайдилар, уларга жамиятнинг қайтадан тўлақонли аъзолари бўлишларида, ўзларини унутилган ва четга суриб қўйилган кишилар деб ҳис қилмасликларида ёрдам бера оладиган муайян хатти-ҳаракатлар зарур.

Қамоқхонадан қайтиб келган Рева ўз касби бўйича ишга кирмоқчи бўлди, лекин бирорта мактаб уни ўқитувчиликка ишга олмади. Навбатдаги рад жавобидан сўнг унинг руҳи тушиб кетди ва маслаҳат сўраб

вақтинчалик бўлсада кадрдон жойларидан кетишига тўғри келди. Заводда у ўзини гишт пиширтиришга юборишларини илтимос қилди. Жуда яхши меҳнат қилгани учун кўп ўтмай у ҳақда гапира бошлашди, бошқа ишчиларга намуна қилиб кўрсатишди. Бир йил ўтмасданок завод маъмурияти Рева Пга ўз ихтисоси бўйича ишлаш учун имконият беришларини сўраб илтимоснома юборди.

Ишламайдиган кишилар гарчи жамият учун очикдан-очиқ хавф тугдирмаса-да, бирок улар илгари судланганлардан қолишмайдиган даражада муаммолар тугдирадилар. Бугунги кунда кўнгилга хуш келадиган ишни топиш осон эмаслиги сир эмас. Натижада кишилар оилаларини қандай қилиб боқиш ҳақида кўп бош қотирадилар. Ҳеч қандай умид қолмагандек туюлган мушкул вазиятларда эса улар жиноятга қўл урадилар.

Сергей Пда ҳам ана шундай ҳол юз берай деб қолган эди,

ишлашни талаб қилади. Хўжаликдан қурилишбой ёғоч ўтирилган ҳақидаги хабарни Шеров олдинга ноҳўя ҳазил деб қабул қилди. Зеро, у эндигина ўз ҳудудини айланиб чиққан, ҳеч қаерда ёғоч ташиётган юк машинасини учратмаган эди. Ҳодаларни бекитиш осон эмас.

Вақтни бой бермаслик ва жиноятчиларга ёғочни олиб кетиш имконини бермаслик учун бирга ҳовлиларни айланди. Хонадонлардан бирида у усти ёпилган янги "КамАЗ"ни кўрди. Шеров машина билан қизиқиб қолди. Ҳайдовчидан кузовни очишни талаб қилганида, у қулфи пломбалланган деб баҳона қилди. Катта участка вакили ўз сўзида туриб олди. У кутганидек, кузовда ўтирилган ҳодалар ётарди.

Шеров кундалик ташвишлар билан юрсада, вояга етмаганларни ҳам унутмайди. ВЕИИнда кўп йиллар ишлагани учун ўсмирлар билан суҳбатлашиш, уларнинг ташвишлари, кайфиятларини би-

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

Душанба, 31

УЗТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Ёшлик" студияси. "Эъзоз".
18.55 Ёлонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

19.20 Ёлонлар.
19.25 Мусликий дақиқалар.
19.40 "Тараққиёт".
20.10 Оқшом эртақлари.
20.25 Ёлонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ёлонлар.

21.00 Юнус Ражабий номидаги макомчилар ансамблининг концерти.

21.45 Саид Аҳмад. "Келинлар қўзғолони". Абдор Хидоят номидаги Ўзбек драма театрининг спектакли.

23.15 — 23.40 "Ўзбекистон" ахбороти.

УЗТВ II

"Тошкент" студияси таништирилади:

18.30 "Полопон".
19.00 "Бу бўстон аро..." Ф. Аҳмадалиев, Б. Маҳкамов.
19.35 "Устозлар ва шогирдлар".
20.05 "Излаган имкон топади".
20.35 "Шоҳсула сари" (рус тилида).

21.05 — 22.35 "Учишга рухсат этинг". Бадий фильм.

УЗТВ III

18.00 — 19.20 Туркия телевидениеси.

*

19.20 "Мультикарусель".

19.30 "Истиқлол ва демократия".

"ОМАД" таништирилади:

20.00 "Совга".
20.30 "4/8". Мусликий кўрсатув.
20.50 Ёлонлар.
20.55 Видео — "О".
22.35 Рок ҳақида.
23.05 "Курьер".
23.25 "Яна об-хаво ҳақида".
23.35 — 23.45 "Постфактум".

Ҳафта мобайнидаги газеталар шарҳи.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 "Лабиринт". Ҳамкорликка тақлиф.

18.30 "Шеърят альбоми".

18.50 Янгиликлар.

19.00 "Тигиз пайт".

19.30 "Фолк-клуб". Сарик майса.

20.00 Волейбол. Жаҳон чемпионати. Хотин-қизлар. Финал. Бразилиядан кўрсатилади.

20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!

21.00 Янгиликлар.

21.40 — 23.50 Ф. Брукнер. "Наполеон-1". В. Маяковский номида Москва академик театрининг фильм-спектакли.

Сешанба, 1

УЗТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Самолёт қайтарилди". Бадий фильм.

10.15 "Нақшлар бўстони". Телефильм.

10.30 Ўқув кўрсатуви.

Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.

11.00 Немис тили.

11.20 "Ёшлик" студияси.

"Фахрийлар — фахримиз".

12.00 — 14.00 "Синов даври". Телеканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.

18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.

18.10 "Ёшлик" студияси.

"Онамнинг ўғитлари".

18.55 Ёлонлар.

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

19.20 Ёлонлар.

19.25 Спорт хабарномаси.

19.30 "Буни умр дерлар..." Маъмуржон Тўхтасинов куйлайди.

20.10 Оқшом эртақлари.

20.25 Ёлонлар.

20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.

20.55 Ёлонлар.

21.00 "Адолат йўлида". Республика Адлия вазирлигининг 70 йиллиги олдидан.

21.30 "Қаҳратон март". Бадий фильм.

23.05 — 23.30 "Ўзбекистон" ахбороти.

УЗТВ II

"ОМАД" таништирилади:

18.30 "Мультикарусель".

19.15 Ўзбекистон солиқ инспекцияси иш фаолиятдан.

19.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёлонлар.

20.00 "Видеогид".

20.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёлонлар.

21.00 — 23.00 "Кинонигоҳ".

УЗТВ III

18.00 — 19.20 Туркия телевидениеси.

19.20 "Мультикарусель".

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

19.30 "Би-Би-Си" янгиликлари.

19.45 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Ҳиндистон).

20.45 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.

21.35 "Бизнен мирас" (татар тилида).

22.15 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).

22.30 "Гиехвандлик гирдоблари".

23.10 "Умид" (уйғур тилида).

23.40 — 23.55 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".

18.00 "Рус олами".

18.30 "СБ" жумбоги".

18.40 "Хужжатлар ва тақдирлар".

18.50 Янгиликлар.

19.00 "Тол".

19.30 "Шаддод Роза". Телесериал (Мексика).

19.55 "Мавзу".

20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!

21.00 Янгиликлар.

21.40 "Илк манбадан"

21.50 — 23.30 Бадий фильм.

Чоршанба, 2

УЗТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан. "Комендантлик соати". Бадий фильм.

10.20 "Авлод соғлиги — юрт бойлиги". Телефильм.

10.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника.

11.00 Янги аликфони ўрганамиз.

11.30 "Ёшлик" студияси.

"Шижоат".

12.15 "Муҳаббатни куйлайман". Мусликий композиция.

12.45 — 14.45 "Биз танлаган йўл". Телеканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.

18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.

18.10 "Ёшлар ижоди". Илҳомжон Фармонов.

18.35 "Ислохот одимлари".

18.45 Шеърли дақиқалар.

18.55 Ёлонлар.

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

19.20 Ёлонлар.

19.25 Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 60 йиллиги олдидан.

"Драматургия: кеча, бугун, эртага".

20.10 Оқшом эртақлари.

20.25 Ёлонлар.

20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.

20.55 Ёлонлар.

21.00 Замонавий ўзбек кўшиқларининг "АНОР" телевизион танлови.

22.00 "Оловнинг тизгинланиши". Бадий фильм. 1-серия.

23.20 — 23.45 "Ўзбекистон" ахбороти.

УЗТВ II

"Тошкент" студияси таништирилади:

18.30 "Ўз ҳақингда гапир". Болалар опера студияси.

19.00 "Саломатлик — туман бойлик".

19.45 "Бизнес-банк" ("Бор барака").

20.00 "Мусликал мехмонхона".

21.00 — 22.00 "Тошкент оқшомида".

УЗТВ III

18.00 — 19.20 Туркия телевидениеси.

19.20 "Мультикарусель".

19.30 "Ёшлик" студияси.

"Истеъдодларни излаймиз".

20.30 — 23.30 "ОМАД" таништирилади: "Китъа спорт".

Дастурда:

— халқаро мусобақалардан репортажлар;

— Ўзбекистоннинг етакчи спортчилари билан суҳбатлар;

— спорт ҳақида ҳикоялар;

— ахборот ва ёлонлар.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".

18.00 Эфирда — Давлатлараро "Мир" телерадиокомпанияси.

18.30 "Савол белгиси".

18.40 "Хужжатлар ва тақдирлар".

18.50 Янгиликлар.

19.00 "Тигиз пайт".

19.30 "Шаддод Роза". Телесериал.

19.55 "Серпантин". М. Захаровнинг муаллифлик кўрсатуви.

20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!

21.00 Янгиликлар.

21.40 "Монолог".

21.50 — 23.50 "Қўшимча поезд иккинчи йўлга келади". Телевизион бадий фильм. 1 ва 2-сериялар.

Пайшанба, 3

УЗТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Ўн уч терак кўчаси". Бадий фильм.

10.15 "Унутилган ўйинлар". Телефильм.

10.30 Ўқув кўрсатуви.

Математика.

11.00 "Ёшлик" студияси.

"Талабалик йилларим".

12.00 Инглиз тили.

12.30 "Кафолат".

13.00 — 13.40 "Қўшигимдасан, Ватан". Мусликий композиция.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.

18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.

18.10 Мультифильм.

18.20 "Мулкдор".

18.55 Ёлонлар.

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

19.20 Ёлонлар.

19.25 "Ўзбекона лутф". Адабий кўрсатув.

20.10 Оқшом эртақлари.

20.25 Ёлонлар.

20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.

20.55 Ёлонлар.

21.00 "Пахтазорга оқшом кўнганда". Кўрсатув ва концерт.

22.00 "Оловнинг тизгинланиши". Бадий фильм. 2-серия.

23.20 — 23.45 "Ўзбекистон" ахбороти.

УЗТВ II

"ОМАД" таништирилади:

18.30 "Омад" тақвими.

18.35 "Жозоба".

18.55 "Тумор".

19.10 "Муҳаббатга ошно қалблар".

19.30 Видео янгиликлари.

19.55 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёлонлар.

20.35 — 22.35 "Кинонигоҳ".

УЗТВ III

18.00 — 19.20 Туркия телевидениеси.

19.20 "Мультикарусель".

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

19.30 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Ҳиндистон).

20.30 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.

21.20 Футбол. Чемпионлар лигаси. "Бавария" (Мюнхен) —

"Спартак" (Москва). 2-тайм.

22.05 — 22.50 Футбол 1/16 финал. УЕФА кубоги. "Реал" (Мадрид) — "Динамо" (Москва).

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".

18.00 "...16 ёшгача ва ундан катталар".

18.30 "Россия тароналари". Харис Шарипов куйлайди (Уфа).

18.40 "Хужжатлар ва тақдирлар".

18.50 Янгиликлар.

19.00 "Тигиз пайт".

19.25 "Шаддод Роза". Телесериал.

19.55 "Киноюлдуз". Армен Жигарханян.

20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!

21.00 Янгиликлар.

21.40 "Москва — Кремль".

22.00 — 23.50 Кино асри.

"Қандай суюкли бўлиш мумкин". Бадий фильм (Польша).

Жума, 4

УЗТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Махфий сайр". Бадий фильм.

10.20 "Ёшлик" студияси.

"Ғазалхон ёшлигим".

11.10 Немис тили.

11.30 "Бола бошидан..." Мактабгача тарбия масалалари.

12.05 — 14.05 "Санъат сеҳри". Мусликий видеоканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.

18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.

18.10 "Аёл борки, олам мунаввар". Бадий-публицистик кўрсатув.

18.55 Ёлонлар.

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

19.20 Ёлонлар.

19.25 "Ёшлик" студияси. "Бир ўлкаки..."

20.10 Оқшом эртақлари.

20.25 Ёлонлар.

таништилади: "Шляпалар командаси". Телесериал. 4-серия.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгилар.
21.45 "Коламбия пикчерс" таништилади: "Сохиб Бал-лантре". Телесериал. 1-серия.
22.40 — **23.20** "Кулги панорамаси". Кўрсатувни Е. Петросян олиб боради.

Якшанба, 6

УзТВ 1
7.00 — **9.00** "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонги дам олиш кўрсатуви.
9.00 Мактаб ўқувчилари учун. "Яшил чироқ".
10.00 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".
10.30 "Маҳобҳорат". Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 91 — 92-сериялар.
12.00 Фаргона вилояти Тошлоқ тумани "Райхон" ашула ва рақс ансамблининг концерти.
12.50 "Цирк! Цирк! Цирк!"
13.40 "Хиросима-94". XII Осиё ўйинларига бағишланган кўрсатув.
14.10 — **15.35** "Санъат усталари". Ўзбекистон халқ артистлари Обид Толипов, Муҳаббат Йўлдошева.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мактаб ўқувчилари учун. "Ўйла! Изла! Топ!"
18.55 Ёлонлар.
19.00 "Хафтаном" (рус тилида).
19.30 Ёлонлар.
19.35 "Телеоператор нигоҳи билан".
19.45 Лирик концерт.
20.25 Ёлонлар.
20.30 "Хафтаном".
21.00 Ёлонлар.
21.05 "Ойна жаҳонда..."
21.25 "Икки дил достони". Бадиий фильм ("Ўзбекфильм").
23.00 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. МХСК — "Пахтакор" (ёзиб олинган).
00.30 — **01.00** "Хафтаном".
УзТВ 2
17.00 "Совга".
17.30 "4/8". Мусикий кўрсатув.
17.50 Ёлонлар.
17.55 Видео — "О".
19.35 Ёлонлар.
19.40 "Курьер".
20.00 "... Яна об-ҳаво ҳақида".
20.10 "Постфактум".
20.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
20.45 Ёлонлар.
20.55 "Даракчи".
21.00 "Салом, ёшлар!"
21.40 Ёлонлар.
21.45 — **23.45** Видео — "О".
УзТВ 3
10.00 Замонавий ўзбек кўшиқларининг "АНОР" телевизион танлови.
11.00 "Интердиалог".
11.30 — **12.00** "Юксак пиллапоярларда". Телефильм.
18.00 — **19.30** Туркия телевидениеси.

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
19.30 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
19.55 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Ҳиндистон).
20.55 "Ҳамкорлик — тараққиёт нишониси". Тунис Республикаси эълон қилинган кунга.
21.30 "Би-Би-Си" янгиларлари.
21.45 "Спорт, спорт, спорт".
22.00 "Бу ажиб дунё".
22.25 Хитой телевидениеси кўрсатувлари.
23.10 — **23.25** "Си-Эн-Эн" янгиларлари.
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
18.10 Янгиларлар (сурдо таржимаси билан).
18.20 "Рагилган кунинг билан, "Маяк!". Радиостанциянинг 30 йиллигига бағишланган кеча.
19.50 Ален Делон "Зорро" фильмида (Франция).
22.00 — **22.45** "Якшанба". Ахборот-публицистик кўрсатув.

("Тошкентдан гапиримиз ва кўрсатамиз" дастуридан).

ИЗЛАР БОСИЛМАСДАН...

ТАШҚИ хизматнинг энг яхши айдоқчилари Ипполитнинг изидан тушдилар. У истиқомат қиладиган хонада Жеребцов ва Ирошников биринчи рақамли тадбирни ўтказдилар — эгасига билдирмасдан хонани тинтиб чиқдилар. Диккатга сазовор ҳеч нарса топилмади.

Шу орада Горький Соколовга кўнгирак қилиб қолди:

— Ишлар қандай кетаяпти? Қотиллар ҳали тутилмадиларми? Сиз, граф, марҳамат қилиб ҳаракатни

беш дақиқа ҳам ўтгани йўқ эдики, Михеева жон-жаҳди билан бурун қоқа бошлади — бу сигнал эди!

Гусаков олди очик плаш, ёқа тикилган ён ёқа кўйлак, калта соябонли чучвара нусха кепка кийган ўттиз ёшлардаги кишини кўрди. Унинг оғзи маҳкам қисилган, чап қовоғи оғина пастга тушган эди. Киши сергак торган ўткир нигоҳ билан Гусаковни бир кўздан кечирди ва кўчага чиқа бошлади. Ўнг қўлини у чўнтагига солиб олган эди.

Гусаков студдан иргиб турди:

Валентин ЛАВРОВ

ИМПЕРАТОР ХОНИМНИНГ МАРЖОНИ

(Воқеий ҳикоя)

кучайтиринг.

Соколов ўзини тутта олмай истеҳзо қилди:

— Эшитаман, зоти олийлари!

— Қанақасига зоти олий бўламан? — осийшта овозда сўради Горький.

— Адабиёт оламида сиз биринчи генералсиз.

...Қотиллик юз берган кундан сўнг иккинчи кун Ипполит уйдан чиқди. Тротуарнинг қарама-қарши томонида ундан қирқ қадамча нарида Гусаков борарди. Ипполит Бульвар халқа йўлига чиқди ва Тверь кўчаси томон юрди. Пушкин ҳайкалига етганда хизматкорлар бошлиғи ўнгга қайрилди, Газета тор кўчасининг бурчак қисмига етди ва тепасига "ФАЛЬЦ-ФЕЙН. Мебельли хоналар" деб ёзилган подъездга кириб кўздан йўқолди.

Гусаков беш дақиқа кутиб турди ва Ипполитнинг ортидан кирди. Унинг омади келди: эшик олдида мебелли хоналар соҳибаси, полициянинг ҳақ оладиган айдоқчиси Михеевани учратди. Гусаковни ким қизиқтираётганини билгач, у хабар қилди:

— Ипполит Захарич доимий меҳмонимиз, бу ерга тез-тез келиб туради. У одатда хонимчалар билан қиради — икки соатларга. Бир ҳафта олдин эса... — у рўйхатга олиш дафтарчасини варақлади. — Алексей Самуилович Голодец деганин бошлаб келди. У эса номердан деярли чиқмайди. Бир ўзи арокни симириб ётади. Фақат уч кун олдин эрталаб — соат олтиларда келиб қолди.

Гусаков унинг қулоғига шивирлади:

— Агар менинг йўқлигимда Ипполит чиқиб қолса, уни шу ердан кетказмай туринг. Мен ҳозир келаман.

У "Россия" сугурта жамияти жойлашган кўшни уйга чопди, бошқарувчининг хонасига шоша-пиша кириб, йўл-йўлакчи кечирим сўраркан, телефонга епишди:

— Алло, оймиз! Ўн биринчини — тезда! Навбатчи, Соколовни топ. Тез бўл! Аполлинарий Николаевич, мижоз "Фальц-Фейн"да, қандайдир Голодец олдида. Нимани буюрасиз? Тутиб туришга ҳаракат қиламан, фақат, илтимос, тезроқ келинг. Бу одамларнинг қўлидан ҳамма нарса келади.

ТАНИШ УСУЛ

МИХЕЕВА Гусаковни кўриши биланок қўли билан ишора қилди: "Ҳаммаси жойида, Ипполит ва меҳмон чиққани йўқ". Лекин ҳали

— Бездовта қилганим учун кечирасиз, тутатиб олсам майлими? Жин кургур гугуртим намикиб қолибди.

Киши бир лаҳза ўйланиб қолди, лекин мийғида илжайиб чап қўлини чўнтагига тикди ва гугурт олиб, уни узатди. Гусаков гугуртнинг бир донасини қутига ишқади — синди, иккинчисини тасодифан ўчириб қўйди, учинчисини ишқаи бошлади. Киши тишини гичирлатаркан, аччиқланди:

— Гугуртни сенга бердим! — яна юра бошлади.

Гусаков унинг йўлини тўсди: — Тўхтасангчи! Мана кўрдингку, тутатиб бўлдим. Сен бўлсанг: "Ўзингга олақол!" Бунақа ташлаб кетаверма-да! Гугурт ҳам пулга келади. Мен, билсанг, Тверданман. "Сув" қилишга нарса олиб келганман, — Гусаков қандай "нараса" олиб келганини юзини тириштириб эслай бошлади. — Оғзинг ланг очилиб қолади! Бриллиантдан асалган!

Киши бақувват қўли билан Гусаковни бир четга сурди ва жағларини очмасдан туриб вишиллади:

— Йўлимдан йўқол, бўлмаса хомкаллангчи узиб оламан!

— "Кўк" идан бериб тур! — Гусаков гингшиди ва кўл соатини узатди. — Ичим ениб кетаяпти, шунақанги ичгим келяптики.

Гусаков қанага ўхшаб шубҳали шахснинг енига епишиб олди. У Соколов ҳозир келиб қолишини биларди, чунки қидирув идораси шу яқин ерда жойлашган. Ўзи бошлаб берган тўполонда Гусаков унинг чўнтагини пайпаслашга улгурди: у ерда тўппонча бор эди. Ҳар бир сонияда ўқ отилиши мумкин.

Мана, ниҳоят, Соколов учиб келиб қолди. Унинг енида, албатта, ажралмас дўсти Жеребцов бор эди. Соколов қувонч билан хитоб қилди:

— Кимни кўряпман! Семафорнинг ўзлари келиб қолибдилар-ку! Қаердан келдинг? Мен эса, сен, Семафор каторгада замбилгалтакни гилдиратиб юрибсан, деб ўйловдим. Айбдорман, кечирасан. Сен билан жудаям суҳбатлашмоқни хоҳлайман-да. Қўлни кўтар, хўш!

(Шу ерда кичик чекиниш қилмоқчиман. Қидирув полициясида жуда хавфли жиноятчиларнинг суратларидан иборат катта коллекция бор бўлиб, Соколов уни иппидан игнасиғача ўрганиб чиққан эди. Ана шунинг учун, таниш башарани кўргач, ўша

захоти унинг лақабини эслади).

Семафор бир зум қутилмаган ҳодисадан шошиб қолди. Кейин чўнтагидан тўппончани олиб, Соколовнинг калласини мўлжалга олди. Ўқ овози янгради. Биринчи бўлиб жиноятчига ташланган Жеребцов инграб юборди. Ўқ унинг елкасини тешиб ўтиб кетган эди.

Гусаков жиноятчининг оёғига уриб ерга якиётди. Соколов ва елкасидан қон оқаётган Жеребцов унга епишиб, қўлларига кишан солдилар.

— Ипполит қани? — сўради Соколов.

— Шайтонлардан сўра! — дағаллик билан жавоб берди Семафор.

Изқуварлар 29 яшар, беш марта судланган, каторгадан бировнинг паспорт билан қочган Семафор — Семён Кобилянскийнинг номерига кирдилар. Полда қонга беланиб Ипполит ётарди. Унинг боши бир қулоғидан иккинчисига қадар тилинган ва орқа томонига қайириб қўйилган эди — қотилнинг алоҳида нишони.

Семафор бўйнига тезда олақолди. Бир қадар мақтаниш аралаш ҳикоя қилди:

— Бу билан, — у мурдага бошини иргачи, — "Мадрид" да танишдим, биз биллиард ўйнадик, сўнгра уни ароқ билан меҳмон қилдим. Роса текинини туширди. У менга шундай деди: "Бекачимиз бадавлат. Бриллиантлари ўн миллион сўм туради. Мен ўғирлай олмаيمان, дарров сезишад. Сен эса..." Мен "хўл иш" тўғрисида гапириб ўтирмадим, лекин энг бошиданок бекачини ўлдиришга аҳд қилган эдим. Шундай қилсам тинчроқ бўларди. Бу эса менга деразаларни кўрсатди ва бал-хақида, қандай тақинчоқлар таққанлари ҳақида сўзлади. Чироқ енганини кўришим биланок карнизга осилдим, у кенг, қулай эди, мени ҳеч ким кўрмайди, мен эса ҳаммасини кўриб тураман. Бекач девордаги яшиқни қандай очгани ҳам, кейин қалитни жавонга яширгани ҳам кўриниб турди.

Одатда жиноятчиларнинг изҳор сўзларини ҳеч қачон бўлмайдиган Соколов бу гал дағаллик билан сўзини кесди:

— Сен тўғривда, Семафор, ҳамма нарсани биламан. Пастга қандай сакраганинг, эман орқасида туриб "Толос" чекканинг ҳам маълум. Стол устида ана шу папироснинг бўш қутиси ҳам турибди: деразага чиқдинг, ёш хонимни бўға бошладинг, кекса бекач ўрнидан сакраб туриб, сента муштумини ўқталиб югурди. Мен сандан бошқа нарсани сўрамоқчиман: ўғирлаган зеб-зиннатларинг қани?

— Ха-ха, — гуриллаб қулди Семафор. — Хазинани берсам ҳам, бермасам ҳам, барибир, куним битган. Шундай экан, яхшиси сирни ўзим билан нариги дунёга олиб кетаман. Манавини ҳам: "Бриллиантлар қани, менинг улушимни бер", — деярвергани учун чўмилтириб қўйдим. Хомтама бўлмаглар.

...Соколов бир неча кун ашаддий жиноятчи билан овоза бўлди, лекин у деворга гапираётгандай парво ҳам қилмади: "Теримни тириклайин сидириб олақол, лекин айтмайман".

Ана шунда изқуварнинг калласига бир фикр келди.

ЧЎМИЛТИРИШ

БУТУН Москвада шухрат қозонган лўли Яшка ўша йили гоётада улкан жундор айиқни қўчада занжирда олиб юрарди. Яшка айиқни дарени сузиб ўтишга ўргатган эди. Катта тошқўприк енида юзлаб шаҳарликлар йиғилиб, Яшка айиқни қандай қилиб сувга туширишини томоша қилишарди. Айиқ нариги қирғоққа қараб сузар, у ерда лўли аёл Галя — Яшканинг хотини бир шиша ароқ билан кутиб оларди.

Галя сассик оғизга ароқни қуяр, анча жони қирган айиқ орқага сузарди.

Бир кун Яшка қидирув полициясига келтирилди ва у билан Соколов қисқа, аммо сермазмун суҳбат қурди. Эртасига эрталаб айиқ Катта тошқўприкка

олиб келинди. Бу ерда қамоқхонанинг қаретаси ҳам турарди. Ундан ҳеч нарсани тушунмаётган Семафорни туширишди.

Соколов қотилнинг юзига кўз ташлади:

— Сен билан бриллиантлар тўғрисида бошқа сўзлашмоқчи эмасман. Лекин бир мириқмоқчиман. Безорилар ҳам бир хузуур қилишсин. Кўряпсанми, Хитрово безоридан, ва ўғрихоналардан барча оғайниларинг йиғилишган — мен уларни тўпладим. Бир устиндан мириқиб қулишсин. — У лўлига ишора қилди. — Азамат отликни ўрмон қайвонининг устига ўтказиб қўй.

Буйруқни кутиб турган лўлилар тўдаси Семафорга епишибди, уни айиқнинг елкасига ўтказиб, тизгин билан маҳкам боғлашди: "Бошла!"

Яшка айиқни сув томон итарди. У устида чавандоз борлигини сезиб, қонхўрларча ўқирди, орқа панжаларида туриб ерга ағанамоқчи бўлди, ўзининг устида одам борлигига ҳеч тоқат қилмас эди. Лекин Яшка абжирлик билан айиқни сувга итарди, у соҳил томон юпқа муз билан қопланган қуюқ сувга шўнғиди.

Соҳилни гуррор қаҳқаҳа ларзага солди. Безорилар қийқиришарди: "Семафор, ҳайда! Тезлат! Сулини аяма!"

Даренинг тезоқар жойида тўлқинлар айиқнинг елкасидан шиддат билан ўтиб, Семафорнинг бошига қадар чўмилтирар эди.

Айиқ ниҳоят нариги соҳилга чиқиб олди. (Ўшанда ҳали ҳозирги баланд қўприк панжараси йўқ эди). Галя айиқнинг оғзига "байрам нормаси" — икки шиша ароқни қуйди. Гандираклаган, металл хипчин билан сувга ҳайдалган айиқ орқага суза бошлади.

Дарё энди Семафорнинг қулоқни тешадиган қичқирғи билан тўлди:

— Ёчинлар! Керак эмас! Ҳаммасини айтаман! Товламачилар, ўғри ва безориларнинг қийқириги бу қичқирқиларни эшиттирмас эди. Улар Семафорни еқтиришмас, унинг шарманда бўлганидан қувонишмоқда эди.

Яшка айиқнинг бир лаҳзада яхлаб қолган занжирдан тортаркан, Семафор ялиниб-ёлвора бошлади:

— Аполлинарий Николаевич, бриллиантларни жин урсин! Улар Даев тор кўчасидаги чордоққа яширилган! Ечиб юборинг! Қамоқхонага бормоқчиман!

...Ярим соатдан сўнг Семафор изқуварлар ҳамроҳлигида Сретенка яқинидаги ташландик уй чордоғида занглаб ётган темир тахтани кўтарди. Қутича жойида турган, ичидан ҳеч нарса йўқолмаган эди. Граф Орлов-Давидов Соколовга чин дилдан миннатдорчилик билдирди.

ХОТИМА

ЎЗЛАРИНИ фахр билан тараққийпарвар демократ деб атовчи журналистлар газета саҳифаларида бир овоздан дод-фарёд кўтаришиб, граф Соколов томонидан жиноятларни очиш усулларини "ўрта аср ваҳшийлиги" деб атадилар. Улар инсон шахси ва кадр-қийматини бундай оёқ ости қилинишини қаттиққўллик билан текширишни талаб қилиб чиқдилар.

Горькийнинг қудратли овози хушёр тортирувчи бонг бўлиб янгради, у суҳбатларидан бирида шундай деди: "Аполлинарий Соколов сингари кишиларга ҳужум қилиш шармандалик ва номусдир, у инсонпарварлик ва фуқароларнинг кадр-қийматини муҳофаза қилувчи чинакам инсонпарвардир!"

Жеребцов отдай бўлиб тузалиб кетди. Граф қизи Наталья ҳам соғайди — ешлик ўз таъсирини кўрсатди. Кейинги йили у герцог Ольденбургскийлардан бирига турмушга чиқди. Катта қизини онасининг хотирасига Елизавета деб атади.

Абдуғаффор ИМОМНАЗАРОВ

таржимаси
 ("Московский комсомолец" газетасидан).



Спорт



ВОЛЕЙБОЛЧИЛАР БАҲСИ


ТОШКЕНТ шаҳар ИИББ Жанговар ва жисмоний тайёргарлик марказининг спорт залида III спартакиада дастурига мувофиқ "Динамо" физкультура жамоалари ўртасида волейбол бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Унда саккиз жамоа иштирок этди. Қизғин ўтган беллашувда Тошкент ИИББ жамоаси ғолиб чиқди. Улар "Динамо" жамиятининг кўчма кубогини иккинчи марта қўлга киритди.

Ўзбекистон Республикаси МХХ ва Ўзбекистон Республикаси ИИБ ТОХТБ жамоалари иккинчи ўрин учун беллашдилар. МХХ жамоаси ютиб чиқди ва қумуш медалга сазовар бўлди. Мусобақа ғолиблари ва совриндорларига қимматбаҳо совғалар, диплом ва медаллар топширилди.

М. БУДАГОВ.

Суратларда: волейбол турниридан лавҳалар.

Ҳ. ШОДИЕВ олган суратлар.



ЯНА НИКОҲ, ЯНА ТҮЙ ҲАҚИДА

ҲА, АВВАЛО ҳаммани ҳам тўйга, хурсандчиликка етказаверсин. Тўй. Бу инсон ҳаётида умр китобиغا зарҳал ҳарфлар билан битиладиган ажиб бир дамлардир. Ҳаётнинг оила деб аталмиш остонасига илк бор қадам қўяётган икки ешнинг қувончлари чексиз бўлади, уларнинг келажак орзу-умидларининг охири кўринмайди.

Лекин баъзи ҳолларда ешлар оила кўрмай туриб, турли кўнгилсизликларни бошларидан кечирмоқдалар. Кейинги пайтларда ешларнинг тўй ва никоҳдан ўтиш маросимларида шундай ҳол юз бермоқдаки, ўн-ўн бешталаб, баъзан ундан ҳам кўп безатилган машиналар ҳаракат хавфсизлигига амал қилмай, ҳайдовчи ўзи истаган қатнов қисмидан катта тезликда, бунинг устига қулоқни қоматга келтирадиган даражада товуш сигналларини бериб ҳаракатланмоқдалар.

Яқинда мана шундай дабдабалардан бири Косонсой шаҳрида кўнгилсизлик билан тугади.

6 май куни соат 12 лар чамасида Косонсой шаҳар А. Навоий кўча, 52-уйда яшовчи, шу ердаги "Водий" фирмаси оғборчиси Муҳаммад Аҳмедов ўзининг "ВАЗ-2106" русумли, Г 86-34 НА давлат рақамли автомобилида "айланма ҳаракат" йўлда ҳаракатланиб бораётиб рулни бошқара олмай ағдарилиб кетди. Натижада автомобиль йўловчиларидан Тўлиб Муҳаммадиев, Одина Нуриддинова ва ҳайдовчининг ўзи тан жароҳати олиб, касалхонага етказиладилар.

Мана шундай Муҳаммаджонга ўхшаган кишилар кимларнингдир умрини ҳазон еки бир умр майиб-мажруҳ бўлишига сабабчи бўлмоқдалар, уларнинг оила аъзолари қалбини қаттиқ жароҳатламоқдалар. Ўзи учун энг азиз кишидан бир умрга ажраган еки ногирон бўлиб қолган оилада, менимча, қувонч,

хурсандчиликка ўрин қолмайди.

Давлат автомобиль назорати ходимлари бундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида вақти-вақти билан рейдлар уюштириб турибдилар. Баҳорда ўтказилган рейдда Косонсой шаҳар матлубот жамияти сотувчиси Мурод Нуриддинов "ВАЗ-2106" русумли, Д 53-54 НА рақамли автомобилни еки Косонсой шаҳрида яшовчи, вақтинча ҳеч қаерда ишламайдиган Ҳамид Ҳожихонов ИЖ-2125 русумли, К 25-36 НА рақамли автомобилни никоҳ маросимида қўпол равишда йўл ҳаракати қондаларини бузганликлари учун 45000 сўм-купондан жаримага тортилди.

Кези келганда шуни эслатиб ўтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Кодексининг 131-моддасига асосан мотоцикллар ва бошқа транспорт воситалари ҳайдовчилари йўлларда йўл ҳаракатига халақит бериб еки авария ҳолатини келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳолда гуруҳ бўлиб ҳаракат қилишса 33 сўмдан 100 сўмгача жарима солинади еки транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан уч ой муддатга маҳрум этилади. Агарда шу ҳолат йил давомида такроран содир этилса, 50 сўмдан 200 сўмгача жарима солинади еки транспорт бошқариш ҳуқуқидан олти ойдан бир йилгача муддатга маҳрум қилинади.

Ҳамма нарсанинг ўз меъёри бўлгани маъқул. Тўй, келин-куевларга қулги ва хурсандчилик, бахт-саодат келтирсин. Ҳайдовчилар эса тўй ва никоҳ маросимларида йўл ҳаракати қондаларига амал қилишни унутти-масин.

Р. ҚОСИМОВ,
милиция капитани.

Қисқа хабарлар

ЧОРРАҲАДА

МИРОБОД тумани Ички ишлар бошқармасидан берилган маълумотда езилганидек, "Фарғона йўли" кўчасининг Манжара кўчаси билан туташган чорраҳада йўл-транспорт ҳодисаси юз берди. Тошкент шаҳрида муқобил хизматни ўтаб юрган А. С. бошқарувидаги "ГАЗ-24" русумли автомашина еши 55-60 лар чамасидаги оврупо ирқига мансуб кишини уриб юборган. Натижада жабрланувчи касалхонада оламдан ўтди.

ТРОЛЛЕЙБУСДА

КУЧЛАРИ билагига сирмаган қибрайлик икки йигит 18-йўналиш бўйича қатновчи троллейбус ҳайдовчисини уриб, майиб қилишди. Натижада ҳайдовчи мия чайқалишидан касалхонага етказилди. Безорилар ушланиб, уларга нисбатан тегишли чора кўрилди.

БОҒЧАДА

МИРЗО УЛУҒБЕК туманидаги 466-болалар боғчаси оғборхонасидан 150 килограмм пишез ўғирланганлиги ҳақида хабарни олган ички ишлар ходимлари воқеа содир бўлган жойга етиб боришди. Ўғри ўзга сайёрадан тушмабди. Аксинча, шу ерда ишловчи қоровул бўлиб чиқди. Юзи қора қоровулнинг иши терговда.

БОЗОРДА

"ЭСКИ ЖЎВА" бозорида фуқаро Мирзалиевга тегишли 15 килограмм гўшти ўғирлаб, қочиб кетаётган шахс ушланди. Ўғрининг кимлиги маълум бўлгандан сўнг воқеадан оғоҳ бўлган чироқчилик йигитларнинг боши ҳам бўлди. Гўштхўр Чироқчи туманида яшовчи Ф. исмли киши экан.

ХОНАДОНЛАРДА

МИРЗО УЛУҒБЕК тумани Ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан кўпқаватли уйларнинг биридан еши 55-60 лардаги аёл жасади топилиди. Қотилини кўп қидиришга тўғри келмади. Чунки бу разолатга қўшниси қўл урган экан.

СИРҒАЛИ туманида ўғирлик содир этилди. Бундан оғоҳ бўлган шу туман ички ишлар ходимлари жиноятни очишга киришдилар. Ҳаракатлар самарали бўлди. Хонадонлардан бирига кириб, уч дона гилам, бир неча чойшаб ва термосни ўғирлаган шахс қўлга олинди.

М. АБДУЛЛАЕВ,

Тошкент шаҳар ИИББ ходими.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Бухоро вилояти. Ички ишлар бошқармаси томонидан 1979 йилда туғилган **Оксана Симхоевна ЮСУПОВА** қидирилмоқда. У шу йилнинг 20 июль куни эрталаб соат саккизларда уйдан чиқиб кетганича қайтмаган.

Белгилари: бўйи 150 см. атрофида, сочи сарғиш, озгиндан келган, кўзлари кўк, қўллар катта.

Кийими: эгинда сариқ гулли кўйлак, қизил рангли балонли куртка, оёғида кўк рангли шиппак бўлган.

Алоҳида белгилари: ешлигидан руҳий касал, қулоғи эшитмайди, гапиролмайди.

О. Юсупованинг кейинги тақдиридан бохабар фуқаролардан бу ҳақда энг яқин милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.



Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИБ томонидан 1980 йилда туғилган, Юнусобод туманидаги Учительская кўчасининг 45-уйида яшовчи **Ҳилола Шоакбаровна ИСМОИЛОВА** қидирилмоқда. -У 1993 йил июнида бедарак йўқолган.

Белгилари: бўйи 155 см, ўртача қоматли, юзи чўзинчоқ, сочи қори, тўғри, қошлари ёйсимон, кўзлари қора, бурни ва лаблари ўртача, ияги тўғри.

Кийими: эгинда ип газламадан тик-килан рангдор кўйлак, рангдор позим, оёғида бик.афшаранг шиппак бўлган.

Ҳ.Исмоилованинг қардалигини билган фуқаролардан бу ҳақда яқин ердаги милиция бўлимига еки "02" рақамли телефон орқали хабар беришларини сўраймиз.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясининг қўмондонлиги ва шахсий таркиби милиция генерал-майори У. А. Абдуганиевга отаси

Абдугани БОБОЖОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясининг қўмондонлиги ва шахсий таркиби Академия ходими

Рафиқ Алексович ШОҒАЗАТОВнинг

бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилиб, марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига самимий ҳамдардлик билдирадилар.

Мухаррир
З. ОТАЕВ

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Тошкент,
Наврўз кўчаси, 1.

Газета ҳафтанинг жума
кунлари чиқади.

- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очик эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси тахририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлезмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021.

Буюртма Г — 1204

Ҳажми — 2 босма табоқ.

Босилиш — офсет усулида.

Босишга топшириш вақти — 19.00.

Босишга топширилди — 19.00.

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1, 2, 3, 4, 5, 6.

Обуна рақами — 64615.
39.605 нусхада босилди.

ТЕЛЕФОНЛАР:

мухбарир — 39-70-40,
мухбарир ўринбосари
— 39-77-23, масъул
котиб — 59-20-96,
мухбарлар бўлими —
59-26-56, умумий
бўлим — 59-21-21.